Ўзбек модетининг мазкур тамойилини штмий асослар экан, Ислом Каримов куйидагиларни таъкидлайди: «Ўтиш даврида давлат халқ хўжалигининг, айнинса, унинг асосини, тизимини белтилайдиган тармокларнинг фаолиятини кўллаб-кувватлаши, нархнаволарни тартибга солиб туриши, солик солиш ва қарз беришда имтиёзлар яратиши, шунингдек, бевосита ёрдам кўрастиш юъли билан ана шу тармокларга маддад бериши лозим».¹

Ислом Каримовнинг бу сўзлари давлатнинг боп илоҳотчи спифатидаги вазифаси нимадан иборат экандигини очиб беради ва айни пайтада, турли ижтимоий гуруҳларнинг, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, алоҳида шахсларнинг илоҳоҳотчилик ташаббуслари ва фоалиятлари чекланмаслигини, аксинча, давлат уларга ёрдам беришини билдиради.

Социализм даврида ҳамма нараса – нафакат башкарув, жатто мулк ҳам давлатлаштирилган эди. Давлат ижтимоий ҳаёт-ча соҳаларини каттиқ ялпи назоратга олган эди. Ижтимоий ҳаётнинг ялпи назорат килиниши ва ахолининг онти тўлиқ бошқарилдинн тоталитаризм дейиплади.

Лекин, ўзбек модетида давлат боп илоҳотчи бўлиши унинг социализм давридагидек, башкарувни юз фониз кўлга олиб ялпи назорат ўрнатишни ёки режали марказлашган иктисодиёт тамойилларини, усувларини саклаб қолшини билдирамайди. Балки иштаб чинкариш корхоналари ички фаолиятига давлат аралашмасдан, маҳсулотта буюртма бериш, солик имтиёзлари, инвестициялар ва шу кабин усувлар орқали улар фоалиятини рабботлантириди ва хоказо. Майлумки, ҳамма ишни бирданнга бажариб бўлмайди. Жумладан, барча катта-кичик соҳаларда бир вактнинг ўзида бир хил суръатларда илоҳотлар ўтказиш мумкин эмас. Шу боис давлат хар бир муайян давр учун илоҳоҳотларнинг устувор йўнанишиларни белтилайди. Бунга жамиятнинг мотивијий, моддий, интеллектуал-акий ва кадрлар ресурсларини сафарбар этади. Башкаларнинг илоҳоҳотчилик ташаббусларини рағбатлантиради. Давлатнинг боп илоҳотчи бўлишига яна бир сабаб ўтиш даврида, айнинса, унинг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: минтиб шигард, ишчоғ, спесат, мағлуру. Асарлар ўзинчаликни. Узбекистон. 1996. 302-б.

дастлабки йилларида иктисадиётда тулизмавий ўзгаришлар килишга каратилган инвестиция сиёсати кўпроқ бюджет хисобидан ёки давлатнинг кафолатлари асосида четдан олинган карз хисобидан молиялаштирилади.

Хусусий мулкнинг камкувватлиги, ортиқча маблағнинг йўқлиги бенс инвестиция юқинни давлат ўз зиммасига олишига тўғри келади. Бундай шароиттада давлат бош испоҳотчи бўлмаса, инвестиция учун ажратилган маблағ ўз манзилига етиб бормасиги ва бошқа максадларда ўзлаштириб юборилиши ёки очиқасига ўтиралиниши эҳтимолдан холи эмас. Буни кўплаб мамлакатлар тажрибаси тасдиқлаб турибди. Ўзбекистонда эса инвестция амалиётида давлат иштирокининг юкорилитини кўриш мумкин.

Ўтиш даврида давлатнинг бош испоҳотчи ва асосий инвестор бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки молиявий ва моддий маблағлар етишмайди, муайян соҳаларни испоҳ килиб, янгилик яратишга кодир мутахассислар хам кўп эмас, уларни ўқтиш, тайёрлаш кепрак. Энг асосийси ахолининг манфаатларини химоялаш, ижтимоий мухофазанинг пухта ўйланган тизимини хам ўтиш даврида жамоат ташкилотлари ва ҳали катник оёқка туриб отмаган хусусий бизнес эмас, давлат вужудга келтириши мумкин. Давлат бу борада хусусий тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари кучларини, имкониятларини ўюширади. Бундай шароитда умуммиллий манфаатни кўзлайдиган давлатнинг бош испоҳотчи бўлиши нафасат максадга мувофиқ, балки ягона тўғри йўлдир.

Мисол учун Россия Федератив Республикасини олиб кўрайли. Маблағлар талон-торож килинди, ўғирланди. Сиёсий партиялар хамда ўзларининг топ иктисадий манфаатлари туфайли бирлашган корчалонлар гурӯҳлари аравани ҳар кайсиси ўзи томон тортишга харакат килди.

Жамиятнинг реал тайёргарлителлини хисобга олмасдан, дастлабки йилларда иктисадиётни ҳаддан ташкари эркинлаштириб юбориш Россияда испоҳотлар жиловининг давлат қўлидан чиқишига сабаб бўлди. Бу, ўз навбатида, оғир иктисадий ва ижтимоий оқибатларга олиб келаётган сунистъмолчиликларни келтириб чиқарди. Ҳаттоқи, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва бюджет соҳаси ходимларига ойлик маони олинаётган инвестициялардан маблағлар, шу жумладан, четдан олинаётган инвестициялардан

кандай фойдаланилаётганини давлат назорат кила олмай қолди. Россияда ҳалқ хўжалигини қайта куриш никонгда эндиляти ва стихияни равишда кечди.

Ўзбекистонда давлат бош испоҳотчи сифатида испоҳотларнинг бир томондан, хўкумий базасини изчил ривожлантиромда, бу борада жаҳоннинг илғор тажрибасини хисобга олмоқда, иккичи томондан – устувор йўналишларни белгилаб, асосий ресурсларни уларга йўналтиромда. Бу испоҳотларни амалга оширишда турли бошбош доқникларнинг оддини олишга, жамиятнинг изчил янгилашини тъминлашга имкон бермоқда.

Ўзбек модели жамият тайёргарлителлини хисобга олиб, иктисолиётни ҳам, давлат курилшини ва сиёсий ҳайтини ҳам эркинлаштиришга интилмоқда. Бу борада Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асаридаги оғир сурилган ғомлар дикката сазовордир. Иктисолиёт соҳасини эркинлаштиришнинг максадини Президенттимиз қўйидагича белгилаган: «Биринчи навбатда, давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иктисолиёт эркинликларини ҳамда иктисолиётнинг барча соҳаларидаги хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулқдорларнинг мавқеи ва хўкумларини мустаҳкамлаш»...¹

Шундай килиб, ўзбек модели котиб колган, ўзгармас тамоилийларга эмас, балки ҳаёт талабларига мослашувтан, қайшикоқ тамоилилардага асосланган.

Давлатнинг бош испоҳотчи бўлиши турли давлат идоратари устидан жамоат назоратини кучайтириши такозо этади. Чунки агар ижрои ва суд хокимияти идоралари ҳаддан ортиқ бюрократ-лашиб кетса, уларда таъмадирлик ва коррупция кучайса, бу исполотлар йўлида кўпимча кийинчилликлар туғдиради. Ағфуски, бундай ҳоддан ҳеч бир давлат сугурталангандай эмас.

Давлат бош испоҳотчи вазифасини муваффакиятни адо этиши учун ўзи ҳам узлуқсиз тақомиллашиб бориши зарур. Ўзбекистонда давлат хокимиятининг ҳар учала бўгини испоҳотларни қўлиниб борилмоқда. Мамлакат Парламенти учинчи чакириқдан бошлаб иккимайда – Конунчиллик палатаси ва Сенат тизимида фаолият олиб бермоқда.

Сенатга Президент ваколатларининг бир кисми берилди. Ижроиёта Марказнинг айрим ваколатлари махаллий хокимиётдан

мият органларига ўтказилмоқда. Айни пайтда, ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг роли оширилмоқда.

Конун хужжатлари билан давлат ва хўжалик бошқаруви орғанлари ўртасидаги ваколатлар анек чегаралаб кўйилган.

Давлат хокимиятнинг учинчи тармоғи суд-хукуқ тизими ислоҳ қилинаётир ва либераллаштирилмоқда. Жинойи, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилган алоҳида судлар пайдо бўлди. Ўзбекистон давлат курилиши ва жамиятни демократлаштириш борасида ўз йўлидан бормоқда. Чунки Ислом Каримов тўғри таъкидлаганидек: «демократияни ва турли «очик жамият моделлари»ни экспорт килиб бўлмаганидек, давлат курилишининг универсал лойиҳасини хам ташкаридан импорт килиш ёки тикиштириш мумкин эмас».¹

3. Конуннинг устуворлиги ва барчага бирдайлиги. Кишилик жамияти тарихида ушбу тамойилга кайси мамлакат кайси даврда амал қилган ёхуд шунга интилган бўлса, ўша мамлакат юқсан ривожланишига эришган. Масалан, кадимги Юнонистонда Афіна, янги эра арафаси ва биринчи асрларида Рим, IX-XI асрларда катор Шарқ мамлакатлари маълум даражада конун устуворлигини ва таражжетнинг юқсак сурʼатларини кузатамиз. Албатта, у даврлар учун конун устуворлиги бугунги кундагидек тушунилмаган, анча нисбий характеристга эга бўлган.

Кадимги Юнонистон ва Римда конуннинг барчага барборлиги факат эркин фуқароларга тааллукли бўлган, куллар хукусиз, бошқа жойдан кўчиб келгандарнинг хукуки чекланган.

Шарқ мамлакатлари IX-XII асрларда шариат мейъёрлари олдидаги хамма бирдай тент бўлган ва бирдай уларга бўйсунган. Хар кандай жамиятда, хар бир даврда боррократия айrim конунларни четлаб ўтишга, ўз фойдасига талкин килишга уринади. Ўтмишда хам бундай ходлар учраб турган. Оқибатда на юоннларда, на римликларда, на шарқ мамлакатларида мазкур тамойил мустаҳкамланниб, устуворлигини саклаб қоломаган. Жамият ижтимоий сафарбарлигини, динамизмини сусайтиргани сайн амалдорлар, боррократия конундан устунлик килиб келди, чунки улар ижроия ва конун чиқарувчи хокимиятни ўзига бўйсундирдилар.

Жамиятнинг киборлари, амалдорлари конундан устун бўлиб олилар, бошқаларнинг хукукларини, адолатни менсимай кўйиллар.

Собиқ СССРда хам биз айнан шундай холнинг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистоннинг мустакил тараққиёти хукукий бошбошдоклик, адолатсизлик шароитида кечиши мумкин эмас. Конуннинг устуворлиги ва барчага бирдайлиги тамойили жамият ҳаётининг хамма соҳаларида адолат қарор топишни учун хизмат килади.

Биринчидан, мазкур тамойил мулкчиликнинг турли шакллари тент хукукли асосда ривожланишини тарьминлайди. Мулк шакллари ва хўжалик юритувчи субъектлар ўргасидаги муносабатлар, ракобат катъий хукукий мейъёрлар билан тартибига солинади. Иктиносидан бошқаришда ўзбошимчалик ва субъективизмнинг, турили зўравонликларининг олди олиниши учун хукукий шартшароит вуҷудга келади. Иккинчидан, демократия ривожланади, ахолининг сиёсий маданийти ва фаоллиги ошади. Турли фикрлар, карашшлар ривожланиши, мағкуравий плюорализм карор топиши учун хукукий кафолат пайдо бўлади. Инсон хукуқлари тарьминланади. Ноконунний имтиёзларга ёки, аксинча, камситлишларга чек кўйилади. Учинчидан, алоҳида шахснинг, барча ижтимоий гурӯҳ ва катламларнинг манбаатлари тўлароқ хисобга олинади ва уларнинг яратувчилик имкониятлари, ижобий салоҳияти ва роли йил сайн ошиб боради. Конун доирасида жамоат ташкилотлари фаол ҳаракат килишига шароит вуҷудга келади. Фуқаролик жамияти шаклланади. Демак, конуннинг устуворлиги ва барчага бирдайлиги тамойили кенг мъънода Ўзбекистонда ижтимоий тараққиётга, жамият янгиланишига, инсон шахснинг юксалишига хизмат килади. Шу боис мажкур тамойил ўзбек моделининг тамал тошларидан бири бўлиши табиий.

Ўзбек моделининг мажкур тамойили ўзидан аввалигি тамойил билан чамбарчас бөлгик. Зеро, давлат бош ишлоҳотчи сифатида нафакат конун чиқаради, ижроия ишлари ва назорат билан шугулланади, шунингдек, у ижтимоий баркорорликнинг, конунийлик ва хукук-тартибот тарьминланнишинг асосий кафили бўлади. Агар давлатнинг бош ишлоҳотчи сифатидаги роли иктисолид ўзийи хаёт эркинлашиши жараённида пасайиб борса, давлатнинг конун чиқарип ва хукук-тартиботни тарьминлашдаги роли доимо юксак-лигича колади.

¹ Каримов И.А. Бюонинг боз маъсалалари – жамиятни демократлабориши ва интишори. Мамлакатни мөдерништириш ва нелоҳ этиллар. Т. Ўзбекистон. 2005 й. № 42-43-6.

Конун устуворлиги таъминланмаган жойда нафакат гартиб сизлик суреб, инсон хукуклари бузилди, шуниндек, иктиносидий ривожланиш хам ниҳоятда зиддияти бўлуди, иктиносидий ва маънавий инкиroz оғир кечади. Конун устуворлигисиз иктиносидий ислохотларни мубаффакияти бўлмаганидек, иктиносидий ривожланишга эришмасдан туриб, конун устуворлигини таъминлааб бўлмайди. Бу иккى жараённи бир-биридан ажратиш мутлако муъмкин эмас.

Иктиносидий етишмовчилик кенг тарқатган жойда сунистев-молчиликлар хеч качон барҳам топмайди. Мехнат муносиб такдирламаса, даромадларни стихияни кайта тасимлашга уринни давом этаверади. Оддий килиб айтгандা, иктиносидий колоқлик ўтирик, коррупция, порахӯрлик, кўшиб ёзиш, ташмачилик кабин иллатларни, иктиносидий жиноятларни келтириб чиқараверади. Натижада жамиятнинг иктиносидий хаётида, одамларнинг моддий муносабатларида конун устуворлиги тамоилии иккичи ўринга чекинади.

Хаттоқи, баркарор ривожланиш давомида хам ушбу тамоил бирданнига тўлиқ карор топиб колмай, у нисбатан узок муддат талаб киладиган, босқичма-босқич ва доимий ривожланадиган жараён. Унинг тўлиқ карор топини учун ўзаро муштарак уч нарсанинг амалга ошиши талаб килинади:

- жамиятнинг, иктиносидий хаётиниң барча жабхаларини камраб оладиган пухта ва кайишюк конунлар мажмуаси вужудга келиши ва у доимий тақомиллапибо бориши;

- маъжуд конунларни хаётда амалга оширишининг етарлича иктиносидий шарт-шароити, сиёсий-мамлумий ва иктиносидий низми яратилиши.

4. Кучин иктиномий сиёсат олиб боришини ва ахолининг кам таъминланган кисменинг иктиномий муҳофаза килиши. Давлат муҳкини хусусийлаптириш ва янги мулк шаксларининг вужудга келиши, халк хўжалигига тузилмавий ўзгаришлар содир бўлиши, бозор муносабатларининг карор топини ниҳоятда оғир ва зиддияти жараён. У ўтиш даврида ахолининг иш билан бандилигини ва реал даромадларини муйайн дарражада пасайтиради. Халк хўжалини ва иктиносидий муносабатларни тубдан кайта куришининг иктиномий ларзалариз ўтиши учун ўзбек модели кучли иктиномий

шебсет олиб бориш, аҳотининг кам таъминланган катламлари – ногиронлар, нафакадагилар, кўп болали оиласлар, талабалар ва шу кабиларни иктиномий химоя килиш тамойилига асосланди. Чунки ахолининг демографик таркиби шундайки, бир бокувчиға оиласда ўнчурт бокиманда тўғри келади. 18 ёшгача бўлган болалар аҳодининг дэярли ярмини ташкил этади. Мехнатга лаёқатли кишилар ишларни бирасида, айникса, қишлоқ хотин-қизлари ўртасида банд бўлмайди, шилор миқдори салмоқли. Улар ва умуман кам таъминланганлар, ногиронлар моддий кўллаб-кувватламаса, машни, коммунал иншилар вужудга келиши муъмкин.

Куччи иктиномий сиёсатнинг таркибий кисмлари ва ўнналишлари кўп. Улар иктиномий таъминот, янги иш ўринлари яратиш, иншимат ва айрим иктиномий соҳаларда уларга имтиёз берилмаса, иншимат кечиканлиб колади. Натижада иктиномий норогодолининг бу кисми кийналиб олади.

Будидан ташкари, исплоҳотлар жараёнида иктиномий муҳофаза шакллари ва манбалари ўзгариб боради. Бозор муносабатларига учининг дастлабки даврларида иктиномий химоялаш чоралари парго мунтож бўлганларга максаддли ёрдам кўргатиш шаклида кўлончиомокда. Энг асосийси, кам таъминланган оиласлар ва иншиматлари учун янги иш ўринлари, шу жумладан, касанаҷилик ва бўйни баркарор даромад манбалари яратилмоқда. Иктиномий химоялаш шаклинина бағаси давлат, шунингдек, якамоат ташкилотлари ва турли жамғармалари катнашмоқда. Республикализмининг таркия жамғармалари катнашмоқда. Бугунги кунда улар негизида ташкил сифатида ажратиб берилди. Бугунги кунда ташкил этиларидик маҳомга эга бўлган дехкон хўжаликкаги ташкил иктиномий кредитлар тадбиркорлик ривожлантирилмоқда, ине. Оилавий ва хусусий тадбиркорлик ривожлантирилмоқда, ундоғи кредитлар, жумладан, микроクредитлар ажратиш йўлга кўнглини жиҳатдан тисланиб, оёқка туриши учун уларга турли амалий таркии ташкилларни тасдиқлайди. Солик ва гўловлардан имтиёзлар ва кредитлар берилди. Техник ва агротехник хизмат түзилтлари вужудидаги таркии ташкилларни тасдиқлайди.

Фермерлик харакатининг кент кулоч ёйниши хам факаттина иктисолий ислоҳотларга мисол эмас, шунингдек, кучли ижтимоний сиёсатта алоқадор далиллар.

Кучли ижтимоний сиёсат олиб бориши ва ахолининг турли каталамларини ижтимоний муҳофаза килиш ўзбек моделининг инсонпарварлик мөхиятини белгиловчи тамойиллардан биридир. Кучли ижтимоний сиёсат кўп жиҳатлари билан Ўзбекистонда янги жамият куришининг баржарордигини таъминлашибни колмай, туб ислоҳотларга ахолининг асосий катламларида ижобий муносабат пасат маслигитга, турли носоғлом мухолифат ва ўтмишни кўмсанш калифиятларининг кент таркалмаслигига сабаб бўлди.

5. Ислоҳотларни босқичга амалга ошириш. Мавзурий буйруқбозларка, фондларни (хом ашё, молиявий маблағлар, тайёр маҳсулотларни) юкоридан тақсимлашга асосланган хўжалик юритишниң самараదорлиги маҳсулот сифатига ва фойда олишга эмас, балки маҳсулот хажми кўрсаткичларига караб баҳоландиган режали иктисолидёгдан бозор иктисолидётига «инкилобий сакраш», эмас эди. Чунки режали иктисолидёда, биринчидан, бозорнинг тенгшиши инфрагузилмалари будмайди, ахолининг иктисолий тағфаккури ва психологияси хам бозор муносабатларига мос келмайди. Иккинчидан, Ўзбекистонда бандлик даражаси ва ишловчига тўғри келадиган бокимандаларнинг кўплиги «фалаж терапия»си усульарини инкор килар эди. Шу бенис ўзбек модели объектив иктисолидий ва ижтимоний шароитлардан келиб чиқиб радикал, инкитлобий усуслини кўлламади. Мазкур тамойилни оғза суринша ўзбекистоннинг ўтиш давридаги иктисолий ахволи ва имкониятлари, демографик вазияти, ахолининг менталитети хисобга олинди. Объектив талаблар, энг аввало, халк хўжалигининг энг мухим устувор тармоқларини, базис соҳатарни ривожлантиришни такозо этади. Бу иш ислоҳотларнинг хуқукий асослари ва кафолатларини вужудга келтириш, ахолини ижтимоний химоялаш ва унинг янгича иктисолидий тағфаккурини шакллантириш билан бирга олиб борилиши лозим. «Факат фармонлар, фармойишлар чиқариши билан бозор иктисолидёгини барро этиб бўлмайди. У узок тарихий тараккиётнинг натижаси бўлиб, тегишли инфраструктурани ва хукукий асосни яратишнитина эмас, шу билан бирга қадриятлар тизимидаги

чукур ўзгаришларни, хўжалик фаолияти ва амалий муносабатларни ишоғлашни хам кўзда тулади).¹

Ўзбекистонда айнан ана шундай йўл тутилди. Бундай сиёсат юригини нафакат маблағлардан самарали фойдаланиш имконини берди, шунингдек, одамларнинг сафарбарларини ошириди, ижтиёдий ларзаларнинг олдини олди, мулчиллик шаклларини босқич-иҷо-босқич ривожлантиромда. Хусусийлаштириш жараённида коронационнинг мулк шаклини ўзгартирishiша тайергарлиги, ишлаб чиқарини хусусиятлари, халк хўжалигидаги ўрни ва аҳамияти, молиятни ахволи кабилар хисобга олинди. Шунга қараб корхоналар босқич-иҷо-босқич давлат тасаруғидан чиқарили, бавзи мухим корхоналарда давлат мулкининг майтум улуси саклаб колинди, бавзилари эса тўлиқ жамоага берилди, кўпчилик корхоналар очиқ ёки ёник ёхуд масъудияти чекланган хиссадорлик жамиятига айланнилди ва хоказолар. Айрим корхоналарнинг мулк шасти бир таридиди ва мутасил камайиб ишни босқичда ўзгартирилди, давлат улуси мутасил пакети хусусий тадбиркорларга борди. Давлат улуси акциялари пакети хусусий тадбиркорларга юнилди, хаттоқи бепул берилди. Корхоналар акцияларининг бир ишноми чег элликларга хам сотиди ва сотилмоқда.

Кипшок хўжалик корхоналари тўғрисида хам шундай дейиш музенин. Бугунти кунда уларнинг мулки иегизида фермер ва дехкон кўхуминчларни тузилди. Дастрлаб фермер хўжаликлари орасида юниларни кам, кўпчилиги 20-25 га ер майдонига эта эди. Аста-нишорларни улар орасидан ишбильармонлари ажralиб чиқа бошлади. Бу ишни улар орасидан ишбильармонлари ажralиб чиқа бошлади. Бу фермер хўжаликларининг бирлашиб, йириклишишига олиб ёланмоқда.

Инфраскруктурни босқич-босқич ривожлантиришни олди, шунингдек, иктисолидта гаркибий ўзтаришлар хам босқич-иҷо-босқич амалга оширилмоқда. У стуворлик халк хўжалигининг пойdevорини ва харакатлантирувчи кучини ташкил этивчи тоҷошарти хамда кишлек хўжалиги ва кайта ишланган саноатига берилди.

Ингари бизнинг карам иктисолид юнинг кўпроқ арzon хом ашё ўзбекистонбоб беришига мўлжалланган эди. Энди уни кўпроқ тайёр ишкунчларни юнусулог ишлаб чиқаришига мослаштириш, унда тузилмавий, таренойи ўзтаришлар килиш, ишгарни мавжуд бўлмаган ишлаб

¹ Ўзбекистон 1990 й. 315-б.

чикиши турларини вужудга келтириш лозим. Аммо, бунинг учун аввало иккисодиётнинг базис соҳаларини ривожлантириш зарур. Базис соҳалари – бу энергетика (нефть-газ ва электр энергетикиаси), кончиллик ва хом ашё саноати, транспорт ва алока тармоқлариидир. Толимаржонда ийрик иссиқлик электр станцияси барпо этилди. Кашкадарёнинг янги нефть ва газ конларига чет эллининг замонавий асбоб-ускуналарини ўрнатиб, қазиб чиқариш кўпайтирилди, Коровулбозорда юксак технологияларга асосланган нефти кайта ишлаш заводи курилиб, ишга туширилди, Фаргона ва Олтиарик-даги заводлар кайта реконструксия килинди. Булар Ўзбекистоннинг энергия мустақилигини таъминлаб, иккисодиётининг баркарор ривожланишини, янги курилажак ишлаб чиқариш кувватларини энергия билан таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратди. Мустақиликнинг дастлабки йилларида факат нефть маҳсулотлари олиш учун 600 миннинг тонна пахта тоғасини сарфлар эдик. Транспорт борасида нафакат мамлакат ичкарисида ийрик ишлар килинди («Учкудуқ-Кўнғирот», «Тошгузар-Бойсун-Кумкўргон» темир йўллари, катор автомобиль йўллари, ҳалқаро ҳаво йўналишлари), шунингдек, Ўзбекистон Буюк Ипак йўлни замонавий шароитда иккисаш бўйича катор ташаббуслар билан чиқиб, ҳалқаро миёсда хам маълум ишларни амалга ошироюнда.

Янги конларнинг ишга туширилиши ёки Кўнғирот сода заходи, Шўртган газ-кимё маъмуаси каби улсан корхоналар мамлакат бозорини янги маҳсулот турлари билан таъминлашга, мамлакат экспорт салдохиятини оширишга хизмат килмоқда. Ишлаб чиқаришга юксак технологияларни олиб кирувчи соҳалар – автомобилсозлик, электроника, асбобсозлик ва хоказолар ривожланиши, айримларининг илк бор мамлакатимиз ҳалқ хўжалигида вужудга келиши тузишларга мисолидир. Бу ўринда Асака, Сармарканд автомобиль заводлари, янги ёнтил саноат корхоналари ва ўнлаб бошқа катта-кичик корхоналарни эслаш кифоя. Тракторсозлик, самолётсозлик, бошка гармоқлар, чет эл компаниялари билан турли шаклдаги технологик ва иккисодий алоқалар ривожланмоқда.

Ишчи ва мутахассисларимиз орасида янги малакаларни эгалаганлар пайдо бўляти, миллиатнинг техник савиаси юксалмоқда, дунёкаши кенгаймоқда. Ҳар бир вилоятда пахта толасини кайта ишлаб, тайёр маҳсулот дарражасига олиб борадиган корхоналар барпо этилши, тайёр маҳсулотлар, ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқардиган юзлаб, минглаб катта-кичик корхоналарнинг йилдан

йилга кўпайиб бораётгани иккисодий мустақилигимиз мустаҳкам-ланниб бораётганидан, ўзбек модели эволюцион ривожланиши йўлни танлаганлиги тўғрилигидан далолат беради. Шу бойс давлатимиз раҳбари «...биз, аввалидек, давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация килишида ўзбек моделининг мухим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам катъий амал киламиз»,¹ – деб таъкидлади.

Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш ўзидан олдинги тамойиллардан келиб чиқади ва уларни тўлдиради. Умуман, беш тамойилни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Мазкур беш тамойил ўзбек моделининг назарий концептуал ўзагини ташкил этади. Моделнинг ўзи эса, табиийки, анча мураккаб тузилишдан, турли аспектлардан ва айни пайтда яхлит тизмдан иборат.

4.4. Жамият тарққиётида раҳбар мънавиятининг ўрни

Сиёсий мадданияти юксак раҳбар милллат, давлат, ҳалқ манфаати нуктаи назаридан иш тутади, умумий манфаатни ўз шахсий эҳтиёж ва манфаатларидан устун кўяди. Раҳбар ва раҳбарликка давъогар шахс алоҳида хулқ-атворга, мънавият ва мадданиятга эга бўлиши, уни доимий равишда тақомиллаштириб бориши лозим. Бунинг учин сиёсий хаётдан ҳабардор бўлиши ёки иктисолий ва қасбий билимларни ўзлаштиришнинг ўзигина кифоя килмайди. Улар жаҳон тажрибалари асосида шаклланган илгор бошқарув малақаларини хам ўзлаштирган бўлишлари керак. Бугунги раҳбар бунга зиммасидаги вазифаларга юксак масульият билан ёндашиш, ўзига зинисбатан талабчаник орқали эришади. Масалан, у ҳар куни газета журналлар ўқиппи, радио ва ойнаи жаҳон янгиликларидан ҳабардор бўлиши орқали ҳам мальум даражада билим олиши мумкин. Сиёсат, иктисол ва мънавиятга даҳлдор китоблар, мумтоз адабиёт, тарихий жараёнларни чуқур мушоҳда килиш ҳам унинг дунёкашини кенгайтиради. Агар акл-заковати, тафаккури, маннавий камолоти, мадданияти билан раҳбар мустақил фикрлашдан, мушоҳда килишдан, кундатик воеқа-ходисаларни теран таҳдил этиб боришдан узоқлашса, раҳбарлик талаб этган мънавиятдан узоқлашиб бора-

¹ Каримов И.А. Бизнинг боп макаладини – жамиятни демократизациянни во зинотин, маймактани мөлурларни ва истоҳ титилилар. Т. Ўзбекистон, 2005 й., 34-б.

лантириб боради. Ақл эса мүшоҳадатан кувват олади. Америкалик машхур олим ва иктирочи Томас Эдиссон «Тараккietтинг буюк вазифаси одамни фикрлашга ўргатишидир», деган эди. Вужуд ялковлиги фикрлаш ялковлигидан бошланади, фикрдаш тұхтаган жойда рахбарнинг мальнавияты хам, маданияти хам запифлашиб болади. Рахбар мальнавият ва маданиятting күч-кудратидан эзту мәсаддар ййулида самарали фойдаланиши, бошқаруға тиимидеги ижтимоий мұносабатларни инсонпарварлық ғоялари асосида ривожлантириб бориши даркор. Рахбарнинг танқиди одамларға катта ва асosий тасыр күрсатуучи воситадир. Шунинг учун хам уни көрекли вазиятда нікhoятда эхтиёткорлик бўлган ишлатиши керак. Зеро, рахбарлик услуби бошқариш маданиятининг маълум элеменларига эга бўлиши тақозо этади. Бошқариш маданиятининг кўринишлари тегиши мэъёрлар билан белгиланадиган маданиятт коидаларини ўз ичига олади. Рахбарлар билан оддий одамлар ўртасидаги мұносабатлар маданиятлитик коидаларига асосланмоги керак. Бу коидалар ижтимоий бурчни юксак даражада англап, кишилар ўртасида инсонпарварлық мұносабатлари, ўзаро хурмат, хамжихатлик ва биродарлик кабилалардан иборат. Рахбарлик маданиятини такомиллаштириш унинг барча элементларига этиборни күчайтириши демеклайди. Буларнинг барчаси рахбар маданий савиесининг ўсib боришига ва сиёсий маданиятининг тақомиллашувига катта ёрдам беради. Чунки чекланган тафаккур, ҷала билим, паст маданият билан дунёда рўй берёйттган мураккаб жараёнларни теран англамай туриб, масъулиятли вазифа ва мансабни эгаллаб бўлмайди. Бинобарин, демократик асосда шакланиб бораётган жамиятимизнинг талаби шуки, сиёсий етук, ақлан ва маънан баркамод, пухта билимга эга бўлган, теран тафаккурни рахбар бўлишга хастидир.

Рахбар масъулияти – рахбар маданиятининг асosий белгиларидан бири бўлиб, унинг маълум соҳага жавобгарлигини ифода этади. У аллоҳида шахс, ходим масъулиядан фарқ килиб, кўлами кенглиги билан ажralиб туради. Шу боис, рахбар масъулияти ҳамисида мұхим саналган. Масъулият, аввало, ҳар бир кишининг виждини, иймони, колаверса, жамоа, жамият, ватан, миддат одидаги бурчни теран англайдир. У мууман, масъулият рахбарнинг зиммасидаги вазифасига нисбатан жавобгарлик туйгусидир. Масъулиятли рахбар, энг аввало, ўзига, ўзгаларга нисбатан талабчан бўлади. Рахбар фаолиятида барча салбий ҳодисалар масъулият

хиссининг сүстгигидан келиб чиқади. Масъулиятсизликнинг энг салбий кўринishi сиёсий масъулиятсизлигидir. Сиёсий масъулиятсизлик – сиёсий қалтабинлик, сафсатабозлик, найрангбозлик, каллоблик каби салбий иллатларнинг пайдо бўлишита сабаб бўлади. Бинобарин, рахбарлик лавозимидаги кишиндан юксак онг ва тафаккур, хушёр идрок талаб этилди. Тарихий тафаккур ва сиёсий онтнинг кай даражада шакланиши эса, аввало, жамият тараккиёти, ундаги ички ва ташки шарт-шароитларга ботлиқ ҳолда кечади. Бугунги кунда раҳбар кадрлар олдига кўйилаётган, колаверса, хаёт тақозо этаётган асosий вазифалар кўйидагилардан иборат.

- Рахбар кўнгли очик, калби тоза, акл-заковат соҳиби, мавзанивий шаклланган бўлиши керак.
- Рахбар ўзини тарбия кылган, ишонч билдириб, юксак марта-бага муносиб кўрган эл-юртига ҳалол хизмат килиши, зиммасидаги масъулиятни чукур хис этиб яшамоги лозим.
- Рахбар ақли, тажрибали, ўз ишнинг билимдони бўлган мутахассисларга таянмоғи, уларнинг фикрига кулок солтмоғи, шунга асосланниб, хулоса чикармоғи керак. Унинг кўни погонадаги раҳбар кадрларни тўғри танлаш ва тарбиялаши жуда мұхим.
- Раҳбарнинг барча ишлари ҳалқ ҳаётига ижобий тасир кўрсатмоғи шарт. Кимларгадир яхши кўриниш, мактаниш учун кашлинган иш раҳбарнинг келгусидаги фаолиятида салбий из колдириши мумкин.
- Раҳбарда ҳалқи ва Ватанига фидойилик, ташаббускорлик, катъияти ва талабчанлик бўлмоғи шарт. Талабчанликни зўравон-лика, катъиятни манманликка айлантириш ўта қалтабинликдир. Манманлик, зўравонлик, ўзгалар фикрига кулок солтмаслик раҳбар кадрларни яхши мутахассислар, меҳнаткаш, содла ва самимий одамлардан узоклаштириб кўяди. Раҳбарнинг кўл остидаги ходим ва мутахассисларни кўпчилик олдида шахсига тегиб, ҳакоратлаши унинг ожизлиги, ўз вазифасига нолойниклигидир.
- Раҳбардаги ҳеч качон майдагашлар, фиску фасод, машшатбозлика берилмаслиги керак.
- Катта раҳбарларнинг кичик раҳбарларни маҳаллийчилик, оша-оғайнничилек, шахсий садоқатига қараб танлаши ҳам тўри эмас. Айникса, янги раҳбар ўзидан оддин фоалият кўрсатган раҳбар даврида ишлаган яхши мутахассисларни ишдан бўшатиши, уларни ўзига ракиб билити ачинарили ҳол бўлиб, бу умумдлавлат минфататига жиiddий зарар етказади.

- Рахбар мактөвдан болни айланиб, «дохий»лик касалига чалынниң қолмаслығы керак. Бундай раҳбарлар атрофида фикат үз манфаатиниң үйловчы «маслахаттүйлар», амалпарат. лаганбардор, пораҳур, оддий одамларга зуғум үтказуучи кимсалап түптәнниң қоғалади. Буннинг оқибатида эса халк ва давлат манбаатларига жиддий зиён етади.
- Раҳбар нағс балосига карши түрмоги, ўзидан китик раҳбарларни хам бу балодан асрамоги керак.
- Раҳбар адолатсизликка асло йўл кўймаслиги лозим.
- Раҳбар ўз шахсий хёти, турмуш кечиришида хам бошка-ларга ўрнак бўлмоги керак.
- Раҳбарнинг барча ишлари очик ва ошкорса бўлиши лозим. Вакти-вакти билан халк олдида хисобот берил туриши уларга обру-кечтиради.
- Раҳбар ўз гояси, фикри, харакат дастурига эга бўлиши билан бирга, барчани юрт тараққиети, халк тинч-тотувлиги, фаронлиги ўйлида ягона ғоя атрофида жипслаштириши шарт. Раҳбарлик акл-фаросат, куч-ғайрат, изланиш ва топкирликни, ўз устида тинмай ишлашни, тадбиркорликини галаబ килади.
- «Рахбар» тушучасининг куйидаги жихатлари аҳамиятлидир:
 - 1) раҳбар ижтимоий шахс сифатида ишлаб чиқарувчи кутлар ва ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириб, унинг асосий хара-катлантирувчи кучини бошкарувчи сифатида омилкорлик билан иш юритувчи шахс.
 - 2) раҳбар хар қандай ишни амалга ошириш учун, аввало, мус-тақил қарор кабул килади. Бу қарор раҳбарнинг тадбиркорлик, шибилиармоналик фаолияти мақсадларини белгилайди;
 - 3) раҳбар ўз соҳасига янтиғоя, янги техноло-гияларни жорий этувчи тадбиркор шахс хисобланади;
 - 4) раҳбар меҳнати, айни вактда, тадбиркорликка асосланган машаккатли фаолигидир.

Унга сарфланган куч, маблағ байзан вактинча фойда эмас, зарар келтириши, бунда жамоа фойда ўрнига зарар хам кўриши муумкин. У бундай холатларни олдиндан кўра олиши ва бунга тайёр туриши, зарур бўлгандан фаолиятини кайта бошлashi, ўзида бунга куч-ғайрат топа билиши лозим. Ушбу жихатлар раҳбарлик фаолиятининг мальум жихатларини намоён этади. Масаланинг иккичи томони раҳбарлик фаолияти билан шуғулланувчи кишининг шахси билан боғлик юксак инсоний фазилатлардан иборат. Раҳбар

хилол-поқ, виждонли, иймонли, катникўл, диёнатли, меҳр-шаф-кагти бўлиши керак. Раҳбарликка эгри йўл, эгри юл, эгри максад билан эришиб бўлмайди. Феъл-атворида эгрилик бор киши раҳбарлик лавозимида узок фаолиятни олмайди. Раҳбар мустақил бўлиши, ижтимоий фаолиятнинг конуний такисланмаган хамма соҳаси билан шуғулдана олиши лозим. Шу билан бирга, у ўзи бошкараётган жамоа орасида обру-эътиборга эга бўлиши зарур. Раҳбар фаол бўлмаса, жамиятда ижтимоий фаоллик шаклланмайди. Каттами, кичикми, қандай мансабда бўлишидан катъий назар, хар бир раҳбар олдида «ўз ишшимга талаб дарражасида ёндашишим учун нималарни билиним, қандай фазилатларга эга бўлишим керак?» деган савол хамшиша кўндалант туради. Бошкарува тажриба, кўнимма, маҳорат, билим, акл ва идрокнинг роли катта. Аммо, энг аввало, бошкарув – санъат, аниқрок айтганда, ижодидир. Раҳбарликка хам санъаткор учун зарур бўлганидек, истидор ва истебъод лозим. Кўринадики, хар кимдан санъаткор чикмаганидек, истаган одамдан хам яхши раҳбар чиқавермайди. Раҳбар ўз кобилияти, истебъодини ишга солиб изланади, шу масаддада хайтни, одамларни чукур ўрганади. Натижада тўплаган билимлари, тажрибаларини бошкарувнинг умумий конуниятлари асосида шакллантириб, ўзининг раҳбарлик усулини яратади. У ўз бошкарув усувларини шактлантириша мутлако эркин шахсдир, аммо унинг раҳбарлик усули ижобий натижка бериши керак. Раҳбарлик фаолиятнинг самара-дорлиги раҳбар шахснинг тафаккури, акл-идроқига хам бевосита боғлиқ. Тафаккур раҳбарга кент ва чукур фикрлай олиш, яхшини ёмондан, фойдани зарардан, мухимни номумхимдан бехато эжратга олиш имконини беради. Бу хаммага хам насиб килавермайдиган оюксак фазилат. Агар раҳбарда мазкур хисматлар шаклланган бўлса, бундай раҳбар бошкарувнинг спир-асрорларини мукаммал эгаллаб олади, ўз жамоаси ўртасида обру ва ишонч козонади. Демак, хар қандай раҳбар кент ва чукур фикрлай олиши билан бирга, чаккон ва улдабурон, харакатчан ва шикоатли бўлиши хам керак. Шунинг учун раҳбарлик фаолиятини тафаккур ва харакат бирлиги дейиш мумкин. Раҳбардаги ўзига хос талабчанлик, меҳрибонлик хамда масъулият жамоа аъзоларида хам жавобаттарлик хиссининг шаклла-нишига сабаб бўлади. Малакали раҳбар кадрлар тизимини мувaffer-фақияти шакллантириш учун ижтимоий психология, раҳбар психологияси, бошкарув психологияси каби фанларни яхши ўзлаштириши керак. Раҳбарлик лавозимини эталайдиган хар бир раҳбар

мънавий баркамол бўлмоғи, ўз юрти ва миллиати билан ғуурланмоғи, юксак ахлоқийлик, мънавий етукник билан ўйғуллашмоги даркор. Ана шундай раҳбар жамият, Ватан олдиғати масъулиятини, бурчини теран хис килди, ижтимоий ҳаётда инсон манфаатларининг устуворлигини ҳаёттй эҳтиёж сифатида кабул килди¹.

Раҳбар мънавияти раҳбарнинг шаклланган (ички) руҳий куввати. Унинг мънавий-психологик маданийти аждодлар ибратига асосланиб, қадрият даражасида кадрланаётган, шахс мънавий оламини тартибга соладиган, кўнишка даражасига етган хиссий билимлар мажмудидир. Раҳбар ўз раҳбарлик салоҳиятини такомиллаштириши учун мънавий оламини бойитувчи билимларни эгаллаши, ташаббускорлик қобилиятини ошириши зарур. Раҳбарнинг мънавий мулкига айланган билим унга хошиш-истакларини чегаралай билиш, ўзини ташки тазйик ва таъсирлардан химоя килишга восита булади. Яъни мънавий жиҳатдан баркамол раҳбар бўлиш хар қандай ижтимоий-психологик мухитда ўзини тува билиб, ўзи раҳбарлик килаётган жамоада ҳамда кенг жамоатчилик орасида соғлом мухит яратиш ва инсонларга самимий муносабидга бўлишдан қоникиб яшайди. Мънавияти юксак раҳбар жамиятдаги ёмонлик, адолатсизлик, конунбузарлик, Ватан манфаатларига зид ҳара катларга карши курашда ирода, шижоат ва фооллик кўрсатса олади. Раҳбарларни мънавий-психологик маданийти даражаси нуткан назаридан бир неча тоифага бўлиш мумкин.¹

1. Мънавий савиаси нисбатан паст шаклланган раҳбарлар. Бундай раҳбарлар оддий ахлоқий-руҳий фазилатлардан маҳрум, жамият мънавий меъёрларини тушуниб етмайдиган ва уларни менсимайдиган шахслардир.

2. Мънавий маданийти, ахлоқий даражаси паст бўлиши билан бирга, жамоат фикри, оила, ҳалқ анъаналари ва бошқа қадриятлар билан боғлиқ психологик мухитни бузувчи раҳбарлар.

3. Ахлоқий меъёрларни ҳаёттй зарурат сифатига ички ишонч ва туйғу билан ўзлаштиրмай, уларни кўр-қуона кабул қилувчи раҳбарлар. Бундай раҳбарлар назарий жиҳатдан юкори билимга эга булади, амалда эса бу билимларни кўллай олмайди ёки уларда ташкилотчилик қобилияти етишмайди.

4. Руҳан заиф, мънавий маданийти анча юкори бўлсада,

адолатсизликни ўтқир хиссиет билан қабул киладиган раҳбарлар. Уларда ахлоқий билимлар етарили, аммо уларни намоён килиш учун ташаббускорлик, мустасиллик ва шижоат етишмайди.

5. Мънавий маданийт ва сийесий-психологик билимларни етарли даражада эгаллаган, ташаббускор, шижоатли раҳбарлар.

Улар чукур билим, теран гафакур ва ўтқир мушоҳада, мънавий хиссиятларга бой бўлади. Психологик билимларни атрофича ўзлаштирган раҳбар ўзида юкори даражадаги маданият, ҳукк, ахлоқ мъеърларини мужассамлаштиради. Бу эса раҳбар ўзида индивидуал ва интеллектуал савияни ҳар томонлама такомиллаштириб боришини такозо киласи. Раҳбарларнинг шахсий эътиқоди ва мънавий қиёғасини тубдан ўзгартиришга мустакил тараққиёт ўйлида тўпланган тажриба, дунё жамоатчилиги ўзбек модели дей эътироф эттан ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўли, келажаги буюк давлат барпо этиши борасида амалга оширилаётган барча тарихий ўзгиришлар ва янтиланишлар катта ёрдам беради. Ўзининг раҳбарлик фаолиятида олдига кўйған максадларини аниқ тасаввур кила оладиган, келажак учун қайгурадиган раҳбар хеч бир даврда мишлий ғоя ва мънавий мағкурасиз камол топиши мумкин эмас. Мънавий киёғаси, мънавий мағкураси бўлмаган ҳар қандай раҳбар ўз ўйлидан адашади. Кайси жамийт мънавий баркамол раҳбарга кўпроқ эта бўлса, ана шу жамийтдан тараққиёт, тисқаниш кескин сийесий «ларзалар»сиз, ижтимоий «օғриклиар»сиз ва иктисолий «ўтирилишлар»сиз кечади. Мънавий нуткан назардан юксак, онги тийрак раҳбар учун қадриар билан катта юлга чиқиш, ҳалқ, миллат олдига турган барча муаммоларни ижобий ҳал этиш осон кечади.

Раҳбар мънавиятининг шаклланини ва ривожи, одатда, уч таркибий бўғинда намоён бўлади. Мағфура кўрининишдаги биринчи бўғин – мътумог, ахборот тўплаш, асосан сўз, мулоҳаза, ибрат, ғоя ва назариялар даражасида ифодаланади. Раҳбар мънавий месрос, қадриятлар билан танишиди, уларни ўзлаштиради, янтилини дунёкарашига сингидиради. Бу ишонч бўғинидир. Иккинчи бўғин инсонга ёшлигидан сингидирлган маданий-мънавий қарашшар, ахлоқий қадриятлар, анъаналар, диний-руҳий түйғулар. Бу бўғинда оиласи, қариндош-уруглари, маҳалласи, миллати билан бирлигини хис этиди. Натижада унинг онги ва қалбида миллӣ ғурур, ватанпәрварлик түйнуси шаклланади. Бу бўғин – иймон бўғини. Шу боисдан ҳам акжодларимиз «Ватанни севмок иймондандир»

¹ Мънавиятига ишончи. Асосий тушунчалар изоҳи lugati. Т.: «Ғадир Ғулом» НМИУ, 2009, 487-бет. 1 ўтта асар, 489-бет.

Фаҳм-фаросат билан ифодаланади. У тафаккуримизда маърифат, дунёвий маънавият тимсолида намоён бўлади. Буюк алломаларнида маънавиятни илохий маънавият билан узвийликда камолга етказгандар. Агар биринчи бўгин янтиликларни кабул килиш, иккинчи бўгин янтилклярнинг ижодий равнасидир. У аждодлар меросига хакиций ворис бўлиб, уларнинг кадрияята айланган кисмини ижодий ривожлантариши назарда тулади. Бу борада Ислом Каримовнинг миллый кадрияларни тислаш, боболар колдирган маънавиятни улуглаш, ундан ибрат олиш, ўзликини англаш лозимлиги хакидаги фикрлари мухимиdir. Зеро, маънавияти кашшоқ, ўзининг мустакил дунёкараши, фикрига эга бўлмаган адамга хар кандай вайронкор ғоя ўз таъсирини ўтказа олади. Ўзбекистонимизнинг эрганини куни маънавий-маданий барқамол, руҳан тетик, мустакил фикрларни ишлап кобилиятига эга бўлган, замонасигининг илмий-техника тараққиёти талабларига мос касб-хунар маҳоратини ўзида мужассам этсан, фурури баланд, иймони бутун, иродаси бакувват, чинакам ватанпарвар, инсофли ва ориягли инсонлар кўлидадир.

*Менга на ёру, на онинкик ҳабасидир
Агар мен одам ўтсан, унибу басодир.*

Алишер Навоий

5-чавзу. Маънавиятда миллийлик ва умумисонийлик

5.1. Шахс маънавияти ва унинг фазилатлари

Жамият ривожланиб борган сари инсонлар, ҳақлар, миллатлар уртасидаги маънавий муносабат, алокалар ривожланиб бораведи. Маънавиятни тўрт гурӯхга бўлиш мумкин. Яъни:

1. Шахс маънавияти.
2. Миллий маънавият.
3. Мингтаквий маънавият.
4. Умумисоний маънавият.

Шахс маънавияти – хар бир шахста тегиши бўлиб, унинг ички руҳий олами, ҳатти-харакатлари, муносабатлари ва бошка кирраларини ўз ишга олади.

Миллий маънавият – муайян элат, миллатта, унинг аждодларига хос бўлган ғоят кимматли маънавий бойликларидир.

Мингтаквий маънавият – муайян жутрофий минтака миллагарига хос, улар учун умумий бўлган маънавий бойликларидир. Масалан, Ўрга Осиё ҳақларининг ёки Европа ҳақларининг маънавиятидаги умумийлик томонларини кўриш мумкин.

Мингтакавий маънавиятда турли элатларнинг умумий бирлиги, бир-бирига якнлиги, турмуш гарзи ва моддий хаёт шароитларига хос муштарак жихатлари намоён бўлади.

Умумисоний маънавият – бутун иносониятга, жаҳон халиса-рига тегиши бўлган маънавий-ахлоқий бойликларидир.

Индивидуал маънавият шакллари.

Шахс маънавиятини ўрганиш иккича йўналишда бўлиши мумкин. Биринчиси, муайян шахс маънавиятини ўрганиш, иккинчиси, ушбу ходисанинг умумий жихатларини тасниф ва таддик этиш. Имкон нуткай назаридан, биринчи йўналишда факат айрим ходисаларни, масалан, ўтмиш ва бутуннинг умумийлиж аҳамиятига эга бўлган буюк шахсларни маънавий дунёсини ўрганиш мумкин бўлиб, моҳиятган бу иш миллат маънавиятининг таркибий кисм-

*Менга на ёру, на онинкик ҳабасидир
Агар мен одам ўтсан, унибу басодир.*

Алишер Навоий

5-чавзу. Маънавиятда миллийлик ва умумисонийлик

5.1. Шахс маънавияти ва унинг фазилатлари

Жамият ривожланиб борган сари инсонлар, ҳақлар, миллатлар уртасидаги маънавий муносабат, алокалар ривожланиб бораведи. Маънавиятни тўрт гурӯхга бўлиш мумкин. Яъни:

1. Шахс маънавияти.
2. Миллий маънавият.
3. Мингтаквий маънавият.
4. Умумисоний маънавият.

Шахс маънавияти – хар бир шахста тегиши бўлиб, унинг ички руҳий олами, ҳатти-харакатлари, муносабатлари ва бошка кирраларини ўз ишга олади.

Миллий маънавият – муайян элат, миллатта, унинг аждодларига хос бўлган ғоят кимматли маънавий бойликларидир.

Мингтаквий маънавият – муайян жутрофий минтака миллагарига хос, улар учун умумий бўлган маънавий бойликларидир. Масалан, Ўрга Осиё ҳақларининг ёки Европа ҳақларининг маънавиятидаги умумийлик томонларини кўриш мумкин.

Мингтакавий маънавиятда турли элатларнинг умумий бирлиги, бир-бирига якнлиги, турмуш гарзи ва моддий хаёт шароитларига хос муштарак жихатлари намоён бўлади.

Умумисоний маънавият – бутун иносониятга, жаҳон халиса-рига тегиши бўлган маънавий-ахлоқий бойликларидир.

Индивидуал маънавият шакллари.

Шахс маънавиятини ўрганиш иккича йўналишда бўлиши мумкин. Биринчиси, муайян шахс маънавиятини ўрганиш, иккинчиси, ушбу ходисанинг умумий жихатларини тасниф ва таддик этиш. Имкон нуткай назаридан, биринчи йўналишда факат айрим ходисаларни, масалан, ўтмиш ва бутуннинг умумийлиж аҳамиятига эга бўлган буюк шахсларни маънавий дунёсини ўрганиш мумкин бўлиб, моҳиятган бу иш миллат маънавиятининг таркибий кисм-

ларинни ўрганиш демакдир. Чүнкى миллат мальниятин том мальномда олганда ушбу миллаттага кайсидир бир тарзда алоқадор хисоблануучи ўтмиш, бутун ва келажакдаги барча шахслар мальниятининг мажмумидан иборат.

Хар бир шахс, ўзи буни чукур идрок кипладими, йўкми катый назар, бирор элат ё миллатта мансуб бўлмай иложи йўк, хеч бир инсон элдан буткул ажралиб яшамайди. Хар бир инсон ўзини халининг бир зарраси деб сезгандагина, у хақида ўйтаб, меҳнат кирилб яшагандагина мальният билан тулашиди. Бунинг маъноси, шахс мальниятини воказида миллат мальниятидан айни, ундан ташкарида бўлмайди. Шундай экан, мавжуд ахволни тўри идрок этадиган бўлсак, миллат мальниятини хакида муайян тасаввурга эга бўлмай туриб, алоҳида шахс мальниятини хам ўрганиш имкондан ташкари.

Мальниятининг индивидуал шакллари – хар бир инсоннинг қадри, хак-хукуклари, эркинлиги, буручи, масъулити, иктиё мой, иктисолий ва сиёсий жараёнлардаги ўринини, унинг жамият, атроф-мухит ва бошқа кишиларга тавсия, хайтдаги мавкеи, ахлоқий киёфаси, кизиқишлари, талаб ва эхтиёжлари билан боғлик мальният шаклларининг шахсий (алоҳида, якка) дарражада намоён бўлиш хусусиятларини ифодайдиган тушунча муайян киши мальниятардаги ўрни ва фаолиятида, турли ирқ, миллат, иктиё мой кагламларга мансуб бўлган, ранг-баранг мақсадлар ва мальниятга иштиядиган кишиларга муносабатда якъол намоён бўлди. Мальниятининг индивидуал шакллари хар бир шахснинг ўзига оила, турмуш, жамоа ва жамиятдаги ўрнига нисбатан муносабатда, жамиятда моддий ва мальнивий бойликларни яратиш жараёнига кўшаётган хиссасида хам кўзга ташланади.

Шу билан бирга, шахснинг сиёсий ўзаришлар, жамиятни демократлашишда катнашиши, кандай эзгу максадларни кўзлаштганлиги билан боғлик фаолияти хам муҳим аҳамиятга эга. Хозирги даврдаги юксак технологиялар, ишлаб чиқариш ва бошқариш воситаларининг замонавий талабларга хозиржавоблиги, бу борадаги шахс малакаси, кобилияти ва кўнникмаларини такомиллаштиришга интилиши хам мальниятининг индивидуал шаклларининг асосий кўрсаткичларидир. Инсонга хос табиий барқамоллик, жис-

монан согломлик, иктисолий талаб ва эхтиёжларни ахлоқий камолоти ва амалий фаолияти билан уйғулаштира олиши, нафосати, кобилияти, истельдоди, иктидори ва улардан кандай максадларда фойдаланаётгани хам мальниятининг индивидуал шакллари даражасини белтигайди.

Мальниятининг индивидуал шакллари тизимида куйидаги ларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- а) хар бир инсоннинг табиий-тарихий қадрийлари;
- б) ахлоқий киёфаси, нафосати ва гўзаллиги;
- д) меҳнати ва иктисолий мадданият;
- е) индивидуал камолоти ва икжитимий мавкеи;
- ф) кобилияти ва истельдоди;
- ж) дини, эътиоди, хис-туйнудари.

Инсон мальниятининг табиий-тарихий жиҳати унинг биологик жонзот, тирик вужуд сифатидаги яшаши, сихат-саломатлиги, хайёт кечириш даврлари, болалик, ўсмирлик, етуслик, кексаллиги билан боллиқ холда намоён бўлади. Бундай табиийлик хар бир тирик вужуд каби одам зотининг хар кандай авлоди, кавми, миллат ва элатига тегишилдир. Инсоннинг ахлоқий киёфаси, нафосати ва гўзалинига билан боғлик мальният шакллари ўзаро уйғулникида назарлиги билан боғлик шахсий мальниятининг шакллари билан боғмоён бўлади, улар умуминсонийликнинг ифодалайди. Ахлоқий киёфа, нафосатлик индивидуал дарражасини ифодалайди. Кинниларнинг жамиятдаги шахс киёфаси билан боғнишларнига кийинишиларни ажратиб кўрсатиш учун асос бўлиши мумкин. Бу шакллар эса ниҳоятда хилма-хил бўлиб, улар куйидагиларда кўринади. Шахс умри ва хаётининг маъноси, ўзни яшашдан максад, хотира, мерос, вористик, орзу-умид, баҳт-муши, севти-муҳаббати, ота-она ва фарзандлари, турмуш гўзалиги ва бошқалар билан боғлик мальният шакллари, шахснинг эркинлиги, озодлик, тенглик, эътиод, ахборот олиш, мулукка эгалик кишиш, яшаш, даҳлсизлиги билан боғлик мальният, шахсий масъулит, яъни икжитимий заруриятни англаши, унга амал килиши, утият, тартиб-интизоми, ор-номуси, буричи, виждони, кадр-киммати ва бошқа шахснинг нафосати, мальнивий гўзалиги, эстетик туйуси, бодди, мадданияти, ўзига, ўзгаларга, табиат ва ташки мухитга нисбатан муносабатига алоқадор мальният шаклларининг шахсий дарражада намоён бўлиши нисбий хусусиятга эга бўлсади,

аммо у алдохда кишиллар, уларнинг хаёти, фаолияти, жамнатдаги мавкеи ва ўрнини белгилашда картта ахамият касб этади.

Шахс мъянавияти – хар бир кишининг ўзини инсоннинг фарзанди, миллат вакили, давлат фукароси деб билтани холда ўз Ватани тупроғи, суви, хавоси жамики бойликларини асрарш, хар бир фукаронинг хукуқ ва эркинликларини хурмат килиш, иззатини жонига кўйиш йўлида чин дилидан, иймон, эътиқод, садоқат, ишонч, халоллик, довюрастик, бегаразлик, хурмат, фидойилик ва аклий терандлик билан фаолият олиб боришга караитилган ички рухий ва аклий оламининг мажмумини англатувчи тушунча.

Шахс мъянавияти жамиятда, ижтимоий хайдада шахснинг баҳти яшаши учун тўғри фикрлаш, сўз ва амалнинг бирлиги, рост сўзлаш, ҳадол меҳнат килиш, хуш ахлоқка эга бўлишидан иборат. Шахс мъянавияти дараражаси унинг кишилик жамиятининг юксак ахлоқий кадрияларига кай даражада риоя килиб яшаши билан белгиланади. Ахлок инсон мъянавиятининг муҳим мезонларидан бирни бўлгани боис шахс мъянавияти деганда, авваламбор, унинг ахлоқан баркамолдиги, ўз фаолиятида мъянавий кадрияларга, чунончи, адолат, гўзаллик ва эзгулик фоязларига таяниб иш кўриши назарда тутилади. У инсонни бунёдкорлик фаолиятига, эзгу амалларга етакчайди, жамият хаётидаги гоёвий, мафкуравий, мабрифий, маданий, диний ва ахлоқий карашларини ўзида тўлиқ мужассам этадиган куч спифатида кўринади.

Шахс мъянавияти деганда халқимизнинг узок тарихи давомида турли синовлардан ўтган, сайкал топиб келаётган ва факат ижобий фазилатлар тарзида эъзозланадиган мъянавий-ахлоқий кадриялар тушунилади. Шахс мъянавияти халқимизнинг турмуш тарзи, урф-одатлари хамда анъаналарига, унинг бой оғзаки ва ёзма ижоди, муғтоз адабиёти ва санъатига синтиб кетган бўлиб, инсон мъянавий тақомилда бекиёс ахамият касб этади.

«Олим бўлиш осон, одам бўлиш кийин»;

«Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл»;

«Ўзингга раво кўрмаганини бошкага хам раво кўрма», «Ёмон ўз ғамида, яхши – эл ғамида» сингари хикматларда хам аждодларни ардоклашиб келган юксак мъянавияти фазилатлар ифодалантан.

5.2. Миллий мъянавият ва унинг хусусиятлари

Миллий мъянавият – муайян миллатнинг табиий, тарихий ва ижтимоий ривожлантириш жараённида яратган моддий ва мъянавий бойликлари, у яшаётган худуд, мадданий мерос, миллий мадданият, тил, миллий онг, миллат тарихи, ўтмиши, турмуши ва яшаш тарзи, хайдининг тартиб-коидалари хамда у билан боғлиқ миллий хусусиятлар мажмумини ифодалайдиган тушунча. У умумисоний кадриялар тизимида миллатга хос энг умумий жихатларни акс этиради. Бу масаланинг мазмун-моҳияти юргбошимиззининг «Юксак мъянавият – ёнгилмас куч» асарида батафсил таҳдил этилган.

Ушбу китобга таянган холда, миллий мъянавият тизимининг куйидаги таркибий қисмларини акратиб кўрсатиш мумкин:

1. Миллатнинг генофонди, табиий бетакорлиги, ўзига хослиги, тарихий ўзгарувчалигини ва ижтимоий ранг-баранглигини.
2. Миллат тарихи, ўтмиши, келажаги ва мъянавий мероси.
3. Миллий худуд, жамият ва ундаги жараёнлар, моддий ва мадданий яшаш шароитлари, иктисадий асос ва ижтимоий усткурма билан боғлиқ жихатлар.

4. Урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, турмуш тарзи ва бошка миллийлик, улар билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлар.
5. Миллий тил, миллий мадданият ва мъянавият, миллий онг ва миллий рух, миллий туйғулар ва ғоялар.

эга бўлишга харакат килиши, илмий тилда айтганда максимализм каби маънавий-рухий омилларни алоҳида ажратиб кўрсатишни лозим. «Сен бу ташкилотта кириш ёки мана бу вазифани бажариш билан алоҳида, хар кимга хам насиб китавермайдиган шарафти ишга кўл урган бўласан, керак бўлса, сен мислай, дин, инсониятнинг халоскорига айланасан» - деган карашларни сингдириш жараёни айнан мана шу каби хусусиятларга алоҳида эътибор берилгаётганини кўрсатади.

Айрим содда ёшлар ва аёллар уларга хос бўлган рухий хусусиятларни яхши биладиган ва ўзларининг гаррази максадлари йўлида усталик билан фойдаланаётган, халифалик тузсак барча муаммоларимиз хал бўлади, деб юрган хизбутчиларнинг сафагатларига учиб, алданиб колмоқдалар, ўзларни портлатмоқдалар. Ислом тълимотининг асл мөнъиятига кўра, бу каби характерлар мутлақо нотўридир. Зоро, Куръони Каримда ўз жонига касд килиш энг кагта гуноҳлардан экани тъқидланган.

Бугунги кунда диний экстремизм ва терроризмга карши кураш жаҳон ҳамжамияти учун энг долзарб масалага айланди. Шу жумладан, бизнинг юртимизда хам бу каби ишларни амалга ошироқчи бўлганларга карши катъий кураш олиб борилмоқда. Бу курашнинг моҳияти, жумладан, хозирти вактда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иктисадий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чукур ўзгаришлар рўй беряётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга карши фикр, ғояга каршиғоя, жаҳолатга карши мътифат билан курашиш ҳар қачонидан кўра мухим аҳамият касб этмоқда.

Хўш, жаҳолатнинг ўзи нима? У кандай кўринишларда намоён бўлмоқда? Жаҳолат - арабча «жакхила» феълининг ўзати бўлиб, билмаслик маъносини англатади. Ислом динидан олдинги даврни «жоҳиллият даври» деб аталишининг сабаби хам шунда. Кишилар билимсизлиги, жоҳиллиги тифайли киз болаларни тириклай кўмғанлар, аёлларни одам ўрнида кўрмаганлар. Уларнинг жеч кандай хак-хукуқлари бўлмаган. Ислом дини келгач, жаҳолат ўрнини мътифат эгалади. У аёл-қизлар шашнини кўтарди, уч киз тарбиялаб, уларни турмушга берган она жаннатий бўлиши, жаннат онапар оёғи остида эканини баралта айтди. Кишилар мътифатни бўла бошладилар.

Афусски, бутуни кунда хам жаҳолат турти кўринишларда ўзларини намоён кўтмоқда. Шулардан бирни, диний билимсизликийни. Диний саводи паст бўлган кишилар ўзларини ислом динининг жонкуярлари килиб кўрсатувчи, аслида эса, хокимиятни эгаллашни масадад килиб кўйган турти оким вакилларининг куруқ вадъаларига алданиб колмоқдалар, хатто, ўзларини курбон килишга етиб бормоқдалар. Бундай мудхиниши окебоатларни келтириб чиқарувчи билимсизликнинг олдини олишга давлатимиз катта эътибор карагаётганини тъқидлаш зарур. Хақиқий диний билим оламан деганларга кенг имкониятлар яратилгани - ўрта маҳсус ислом билим юртлари, Тошкент ислом институти ва Тошкент ислом университети каби ўқув юртлари фаолият кўрсатгаётганини хам жаҳолатга карши маътифат билан курашиш борасида анек амалий ишлар килинаётганини ёрқин инфодасидир.

Жоҳиллик хам мутаассиб оқимларнинг гарәзли ниятларини амалга оширишига замин яратадиган омиллардан дир. Республикализм худудига яширин тарзда олиб кирилаётган экстремистик руҳдаги адабиётлар, тарқатиллаётган варакалардан тъсирилаётган ва тўғри йўлдан адашаётгандарнинг борлиги хам буни тасдиқлайди.

Юкорида кайд этилган холатлар хам жаҳолат оғир оқибатларни келтириб чиқаришини кўрсагади. Шундай экан, одамлар оғти ва қалбида мътифатнинг мутлак устувор бўлишига эришиш, кишилар тафаккурни бойитиш, уларда соглом ва сабит эътиқодни шакллантириш учун кураш, бу йўлдаги назарий ва амалий ишларнинг хозиржавоблигини таъминлаш, тасдиқлантиришни ошириш долзарб вазифалардан бирни бўлиб тасдиқлантиришни ошириш долзарб тъқидлаганларидек, одамнинг ўз колаверади Зеро, Юртбошимиз тъқидлаганларидек, одамнинг ўз мустакил фикрига, сабит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган хайётӣ-миллий қадриятлар, шаклланган дунёкараси ва мустахкам иродага эти бўлиши ҳар турли мафкураларнинг босими, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинхона кўринишдаги тазинкларига бардош беришининг асосий шарти хисобланади.

Якин ўтмишда намоз ўқиш, диний маросимларни ўташ тақиқланган эди. Масжидлар, азиз-автиёларнинг зиёратгоҳларига кўлғурилган, одамларнинг уйларидағи Куръон, Ҳадис, турли диний здоиёнлар териб олинниб, ёкиб юборилган эди. Мана буни (жоҳилия), подонлик деса бўлади. Қанчадан-канча одамларимиз юзирги мин-эркин кунларни кўмсаб, аммо кўролмай, армон бўла бошладилар.

билин ўтиб кетдилар. Шу боис биз мустакиллик¹ көлтирган неъматлар учун хар кантча шукроналар айтсек² арзиди. Мустакиллик тифайли исломий кадриятлар тикшерди, иймон эътиқодимиз ўзимизга кайти. Бу савобли, эзгу ишларни амалга оширишга Президентимиз биш бўлди. Президентимиз³ динининг ва маърифатга оид мавзуза ва асрларда истеҳсоли, ўрни, маънавий-аҳлоқий, маърифий тарбиядаги юқсан ахамиятни муңгизам утириб келмоқдалар.

Хусусан, бу масалаларга Президентимизнинг ёстиқол ва маънавият⁴ тўплами, «Ўзбекистоннинг сиёслий-ижтимоий ва иктисолид истиқболининг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон иктисолид испоҳотларни чукурлаштириш йўлida», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик⁵ шартлари ва тараққиёт кафолаглари», «Оллоҳ калбимизда, ўзагимизда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт пировард», «Аксадимиз» каби асар ва риссолаларидан жавоб топишмиз мумкин⁶ саволларига Ислом Каримов «Фидокор» газетаси мухбири⁷ ва замонлар берган жавобида «Миллий қадриятларимизнинг шундай динимиз оша безавол яшаб келишига сабаб – аввало, мұқаддес⁸ хисобидан»,¹ - деган эди. Бу холат хапкими⁹ оламидан ўшларимизга миллий гонни сингдиришга истемо¹⁰ оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Ана шудларни хисобга олган хотда мустакил мамлакатимизда сифатидаги ислом динининг бой маънавий ва малданий қадрият¹¹ сан ишлар катта имкониятларидан фойдаланиш максадида умакбаралар, амалга оширилмоқда. Аввало, азиз-авлиёлар ётган ғамазон ва масжидлар таъмирланди, янгилари барпо этилди. Хар ийли Курбон ҳайитлари дам олиш куни деб эълон килинди¹². Хар ийли минглаб фуқароларимизнинг ҳаж ва умра зиёр¹³ига бориб инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлса, мағфуравий эмбунитетни шакллантириб бориш иммуните¹⁴га эга шахс эҳтиёж саналади. Чунки кучли мағфуравий иммуните¹⁵ мағфуравий хар кандай ошкора ёки пинхона кўринишдаги тазижикларга бардош бера олади. Ёшларимиз доимо вакъннинг учун ва яна огоҳ, сергак бўлишлари замон талаби, бўнидирishimiz ўшларимиз онига мустакиллик ғоясини чукур сини¹⁶.

Тоқи улар миллий иллизлари баксувват, дунёни чукур лозим¹⁷. Ана шунда жоҳил акидапарастларнинг англардиган, замон тараққиётни билан баравар кадам ташлайдиган инсоҳлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил биз учун мутлако бегона «дарвазати ҳам, аҳлокни рад этадиган, биз учун мутлако бегона

гоҳяр ҳам уларга ўз тасирини ўтказа олмайди. Президентимизнинг «Туркистан-пресс» ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавобларида таъкидлаганлариdek, «ўша муҳбирашар муносабати билан Олий Мажлисида бўллаб ўттан муҳчиш воеалар муносабати мен ёшларимизни ҳеч кимнинг кўлига бериб хуқ¹⁸ мат йинилишида мен ёшларимизни ҳеч фикрни билдириган эдим. Шу фикрни кўйибаймиз, деган катый фикрни билдириган эдим. Шу фикрни ривожлантириб айтаманки, мен ўзбекистон раҳбари сифатида ривожайтир ёвуз кучлар мұқаддас истемо динимизни, отайдайdir ёвуз кучлар мұқаддас истемо динимизни қандаримиз эътиқодини, мусулман фуқароларимизни бободаримиз

боди¹⁹ тараққиётни мунтазам ҳайитга хавф тугдиришига хеч қачон таҳ²⁰ирлашига, жамиятимиз ҳайитга хавф тугдиришига хеч қачон таҳ²¹ирмайман».²²

Президентимиз айтганларидек ҳар биримиз ҳамиша, ҳар сончидага огоҳ бўлишимиз лозим. Бу мустакил юрт соҳиброларининг мұқаддас буричи бўлмоғи лозим. «...мұқаддас фуқароларимиз шаънига дод туширмоқчи бўлган, ундан гаразли сиёсий динимизда фойдаланишини истайдиган кимсалар ва кучлар билан мақсадларда фойдаланишини истайдиган кимсалар ва кучлар билан хеч қачон муроса килолмаймиз».²³

Ҳар бир фуқаро шуни англаб етиши керакки. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисолий тараққиётидаги ўзига хос ва мос йўли бўлгани избенди маданий-матънавий ривожланишида ҳам кўришимиз мумкин. Бу йўл Президентимиз асрларидага муносабатларимизда, улардан хос²⁴навий тарбияда фойдаланишимизда ҳам кўришимиз мумкин. Унинг моҳияти, мұтадил диндорлик, ислом мәърифатини риҷоқлантириш, ички болиний оламни поклад, Атлоҳни дилда сағдаб, ақлу тафаккур, шиму урфон билан камолот сари бориши, ўз сағосий қадриятларимиз ва дунёвий итмани эгаллаб, замон билан меҳмоҳант олға бориш. Мустакиллик берган хидоят йўлини турли ёт хар²⁵ сурлардан асрлар, уларга берилмаслик, уларнинг кириб келишишга йўл²⁶ кўймаслик лозим. Тараккиёт яқидлик, фидойиллик ва ўм²⁷ мимиллик ғоясини моддий кучга айланшиладир.

¹ Каримов И.А. Биз кепажимизни ўз кўпичиги билан ҳурамиз Асарлар тўплами. Асарлар тўплами 8-жадо. Т. Ҳазабекистон (1999) 353-354 бетлар
² Каримов И.А. Сювлар ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – преворот максадимиз. Асарлар тўплами 8-жадо. Т. Ҳазабекистон (2000) 503-507

Ақын жаҳон билан жаҳон зүйинни обод бўлади.

Амир Темур

**8-масзу. Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида
мъявниятнинг юксалиши**

8.1. Амир Темур – буюк давлат арбоби, юксак мъявният сохиби

Амир Темур – буюк шахс, саркарда, йирик давлат арбоби, кончуншунос, истебодли мэймор, хотик, рухшунос, щу билан бирга эл-юртни, халкни севган инсон. Узок ва машакқагли курашлардан сўнг Амир Темур ўз ракибларини ёнтиб, хокимиятни кўлга киритди. Майда, тарқоқ худудларни бирлаштириб, марказлашган давлат бунёд этди. Мамлакатда иккисодий ва мадданий ўзгаришлар киди.

Биринчидан, У мамлакатда кучайб кетган феодал таркоқлика баракам бериб, эл-юртни ўз туғи остига бирлаштира оди, мӯгуллар зулмига бархам бериб, марказлашган йирик феодал давлатни яратди. Бу билан хунармандчиллик, савдо-сотик ва мадданият ривожига мустаҳкам замин яратиб берди. Бугун «Темур ва темурийлар мадданияти», «Темурийлар давлати», «Улуг'бек астрономия мактаби», «Навоий», «Бобур» каби куттуғ номларни нафакат ўзбек, балки жаҳон халқлари асарлари саҳифаларида ўқиб, унинг асосида Амир Темурнинг улкан хизматлари борлигини хис этиб, гурурланамиз.

Иккинчидан, Амир Темур, ўзи билиб-бўлмай, лекин бир катор хашқлар ва юргарнинг мустамлакачилар зулмидан озод бўлишига ёрдам берди. Масалан, ўша даврнинг энг кудратли хукмдорларидан хисоблаган Боязид-йилдиримни тор-мор кептириб, Болкон ярим ороли ва Европа мақларига озодлик бағишлади. Олтин ўрда хони Тўхтамишин икки марта тор-мор этиб, Россиянинг мӯгуллар хукмронлигидан кутулишини тезлаштириди.

Амир Темурда ватанни севиш, халкни улуғлаш, улардан

Фонхрланиш ва гурурланиш сингари олий мъявният фазилатлар барқ уриб турган.

Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Низомиддин Шомий ва Шарофиддин Али Яздийларнинг «Зафарнома»лари, Ибн Арабшохнинг «Темур хакидаги хабарларда тақдир ажойибоглари» ва бошқа асарларда келтирилган соҳибкороннинг ибратли ишлари, панд-насиҳатлари ва ўйтгларидан хам унинг кимлигини билдиб олса бўлади. Булар эл-эрот ва фуқароларнинг ташвиши, раияттарварлик, меҳр-мурувват, кўшинчиликка риоя килиш ва ниҳоят, мардлик ва қалҳрамонлик хакидаги ўйтглардир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак мъявният-енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «Буюк бобокалонлари-мизнинг мъявниий олами хусусида фикр юритганда, Соҳибкорон тұхтатишимиз табиийдир. Чунки Амир Темур хакида алоҳида тұхтатишимиз табиийдир. Чунки тенгиззазму шикжоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу муғтоз сиймо буюк салтанат барро то этиб, давлатчиллик борасида ўзидан хам амалий, хам назарий мерос колдири, илму, фан, мадданият, бунёдкорлик, дин ва мъявният ривожига кенг йўл очди».¹

Амир Темур 1370 йилда Моварооннахрнинг барча вилоятларини бирлаштириб, мустақил давлатга асос солди. 1370-1405 йиллар давомида мазкур давлат асосида Осиёнинг 27 мамлакатини ўзидан бирлаштирган улкан салтанат тузиб, бу давлатнинг хар томонлама тараккиёт ва тинчлиги, шунингдек, мъявниий маданийтинг юксалиши, гуллаб-яшнаши, ўтмиш даврлар ажойиб анъаналарининг янги тарихий вазиятда кайта тикланиши учун шароит яратди. Амир Темурнинг салоҳияти ва буюк мъявният эгаси эканлиги куйдагиларда намоён бўлади. Жонини гаровга кўйиб Турон ва Хуросондаги феодал таркоклини бартараф килиб, марказлашган давлатга асос солди. Ана шу худуддаги сиёсий зиддиятларга бурканган амриру бекларнинг каршилигини гоҳ килич, гоҳ сиёсий келишув йўли билан бартараф килиб, уларни муросага келтирибина колмасдан, барча куч-имкониятларини Ватан равнаки, юксалиши сари буриб юборди. Иккинчидан, давлатни бопкариш ишлари адолат устига курилиб, бу башкарувга иймонли, дисёнатли Ватан, эл-юрт манфаатини устин кўядиган, мардлик ва олижаноблик

¹ Каримов И.А. «Юксак мъявният» – сирий мас кучи. Т.: «Молланави», 2008. 44-45-бетлар

сифатларини уйнундаштира олган давлат амандорларини танлаб, күйди.

Учинчидан, эйлон килинган конун ва хўкмлар сўзсиз ўз ижро-сини топди. Бу конунлар халқ ва давлат манфаатлари билан хамоҳанг эди. Бу конунлар оддий халқка хам, ўқимишили зиёлига хам тушунарли, содда, аммо хаётнинг муаммолари ечимини топа оладиган мазмун ва моҳиятта эга эди.

Тўртингидан, турли табакалар, айниқса, ишлаб чиқариш билан боғлик соҳалар равнакини таъминлашдиган адолатли солик тизими ишлаб чиқилган эди.

Амир Темурнинг фикру ёди Ватанини, халқ куч-кудратини улуглаш, бошқалар томонидан эътироф этилишини кўзлаб, фаолият юритишда эди. Шу билан Турон халқлари кучи маҳоратида, жангу жадаллардаги жасоратида, фан, ишлаб чиқариш каби барча соҳаларда дунёда бирор халқ ёхуд давлатдан кам эмас, балки биринчилардан эканлигини ўзи бош бўлган давлат мисолида исботграб берди.

Амир Темур ўз мальавий оламининг кучи ва юксаклиги билан жаҳонга таъсир киладиган имкониятларининг мавжудлигини кўрсагди, уни эркин, бир вақтда фавқулотда жасорат ва катъийлик билан амалта ошириди. Шу билан дунё сиёсий-худудий харитасини жаҳон халқлари манфаатлари йўлида ўзгартира олган буюк давлат арбоби ва харбий саркарда макомига кўтарилиди. Соҳибкорон бобомиз дунёнинг ўнлаб давлатлари бирлашиб, амалта ошира олмаган сиёсий-харбий ишларга кўл урди. Бунга дастлаб Тўхтамишлек хўкмдор билан, кейинги навбатда эса Осиё, Африка ва Европа қўтиласини титратган Кичик Осиё хўкмдори – Йилдирим Боязид билан бўлган хаёт-мамот бобидаги сиёсий-харбий тўқнашувларда галаба козониб, жаҳондаги ўзигача ўтган давлат ва харбий арбоблардан хам юкорига кўтарила одди. Жаҳоннинг кейинги тарихи хам унинг бу баландлик ва буюклик поғонасини эътироф этиши шубҳасизdir. Тўхтамиш Оқ ўрда ва Рус киязиллари худудларини босиб олгач, бутун жаҳонда хўкмронликни амалта ошириш тўғрисида фикрлай бошлади. Бунинг учун биринчи навбатда Амир Темурни сиёсий-харбий майдондан юлиб ташлаш лозим эди. Ўзининг харбий даҳосига ортиқча баҳо бериб, галаbasига ишонган Тўхтамишон Мўгулистон худудларидан то Болтик бўйларига кадар худудлардан

линиар тўплаб, 1391 йил ёнида Самара атрофларида ўзининг сон-саноқсиз лашкарини Амир Темур кўпини билан тўқнашувга ҳозирлади. Жанг жаҳон тарихидан энг оғир тўқнашув бўлди. Хар иккни томон бемисл курбониклар берди. Жангда Соҳибкорон Амир Темур тўла ғалаба козонди. Бирор Тўхтамиш бу мағлубиятни тасодиф хисоблаб, орадан 4 йил ўтга, яна Амир Темурга карши щикади. Шимолий Кавказ худудида, Терек дарёси бўйидаги бўйнади. Амир Темур Тўхтамишини жанг аввалтисидан хам киргинали кечди. Амир Темур равнаки учун қулай магтуб қилар экан, ўз салтанати ва Ватани равнаки учун қулай бўйтан имкониятларга эга бўлди. Аввало Шаркий Европа ва Дашти қиттоқ, козок дагларни келадиган хавф-хатардан бутунтай ҳадос бўлди. Шунингдек, Чингизхонгacha ўрта Ипак йўлдининг Шимолий – Фарбий ва Шимолий Шаркий йўналиши кайта тикланди. Бу эса Амир Темур давлати иктисадий ҳаётига катта ижобий таъсирини ўтказди. Хитой, Шаркий ва Фарбий Европа билан савдо, дипломатик алқалар кайта тикланди.

Амир Темур давлатини дунёга танинган ва уни жаҳоннинг спесий майдондан ҷетлатиб, умит ентилас мас армиясини ўз пойтахти саркардаси хамда давлат арбоби даражасига кўтарган хизматларидан янга бири – Йилдирим Боязиддек салтанат эгасини – Анкара остонасида мағлуб этганинги бўлди.

Айниска, Европа давлатлари Амир Темурни ўзларининг чинакам ҳадоскори деб биладилар. Ўз миннатдорчилигини билдириб, ушбу давлатлар кироллари элчиларини Тоғли Корабог ва Самарканда Соҳибкорон хузурига жўннатиб, сиёсий, иктисадий ва харбий шартномалар имзолашди. Ўз хавфсизликларини таъминлашда Амир Темурнинг куч-кудратига таяндилаар, соҳибкорон сиймосида буюк давлат арбоби, енгилмас саркарда, ишончли итифокчани кўрдилар.

Соҳибкороннинг бунёйкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари бекиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъи-харакатлари билан курилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, калталар, каналлар ва бошқа иншоотларнинг сон-саноги йўқ. Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд майдондан юлиб ташлаш лозим эди. Ўзининг харбий даҳосига ортиқча баҳо бериб, галаbasига ишонган Тўхтамишон Мўгулистон худудларидан то Болтик бўйларига кадар худудлардан

Баланд сингари ўнлаб гўзал сарой, боғлар ва бошқа иншоотлар шулар жумласига киради.

Тарих бу кўнча дунёда жуда кўп жаҳонтипларни кўрган. Амир Темурнинг улардан фарки шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан маштуб бўлган. Унинг «Кай бир жойдан бир фишт олсан, ўрнига ўн фишт кўйтирдим, бир дарахт кестирсан, ўнтига ўнта кўчаг эктиридим» деган сўзлари бунёдкорлик, яратувчалик фаолиятиниң тасдиғидир. «Агар бизнинг курдатимизни билмоқчи бўлсантиз, курган биноларимизга бокинг», деганда Амир Темур, аввало ўз хаткига, келажак авлодларга мурожаат кылган, десак янглишмаймиз.

Хар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатиз тасаввур килиб бўлмайди. Буни теран англтаган соҳибирон ҳокимиётта келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этишга, илм толибларига нафакаллар тайинлаш билан бошлаган. Кайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин Амир Темур аввало, ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан сухбат курав, тури мавзуларда баҳслашашар эди.

Амир Темур маънавиятини белтиловчи бош мезон унинг бутун умр бўйи амал килган «Куч-адолатда» деган шиоридир. Бу шиорда Амир Темур хаёти ва фаолиятининг бутун мазманинг музассамлашган, десак тўғри бўлади.

8.2. «Темур тузуклари» – маънавият сарчашмаси

«Темур тузуклари» жаҳондаги номдор кутубхоналарда нодир китоблар категорида сакланади. Шунингдек, уни кирроллар, маршаллар, дипломатия корпуси ходимлари ва катта-кичик амалдор табакалар хам ўзтарининг турли дарражадаги муаммолари ечимини топишда сабок хамда қалит деб биладилар. Буни биз берган юкори баҳосида хам кўрамиз. Шахсан мен «Темур тузуклари»ни хар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-куват топгандек бўлман, ўз иш фаолиятимда бу китобга тақор-тақор мурожаат қилиб, ундаги хеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бутун хам озик бўладиган хикматли фикрларнинг канчалик хаётганига кўт бор ишонч хосил килганиман. Масалан, «Тажрибамда кўрилганим, азми

катъий, тадбиркор, нушёр, мард ва шикоатли бир киши минга тадбирсиз, локайд, кишидан яхшироғдир», деган сўзлари бутуниги кунда хам маънавий жиҳатдан накадар долзар аҳамиятга эга экани барчамизга аён.

Амир Темур бобомизнинг бундай чукур манъоли хикматлари халқимизда кадимдан мавжуд бўлган «Билати зўр бирни, билими зўр мингни йикар» деган маколга фоят ҳамоҳанг бўлиб, инсонни зўр манъавиятига яшашга доимо акл-идрок, адолат ва юқсак манъавият асосида яшашга давлат этиши билан эътиборлидир.

Ҳакикатан ҳам дунё бу китобга катта маърифий эҳтиёж сезиб, эмас. «Темур тузуклари»да ардоқлаб келганили бежиз эмас. «Темур тузуклари»да

соҳибироннинг фалсафий, хукукий-сиёсий, маънавий-матрифий карашлари ўз ифодасини топган. «Тузуклар» Амир Темурнинг буюк давлат арбобига хос садоҳияти, даҳолиги, харбий санъати назарийтигиги, инсонийлик дунёсининг мальнавий-руҳий кувватлари билан мардлик ва шикоатининг худудий кенгликлари ҳакида тўла тасаввур беради. Бинобарин, тузукларда ифодаланган ғоялар орқали Амир Темур маънавий оламининг турли жабхалари ёркин кўзга ташланади. Бир инсон эга бўлиши мумкин бўлган фазилатлар, истеъодлар, воказларга акл-идрок, теран зеҳн ва тафаккур билан баҳо бера олиш, хар қандай оғир вазият ва шароитларда вазминлик, шировард натижада уни ўз давлати, халқи фойдасига ҳал этиш каби соҳибиронга хос сифатлар хар бир инсон учун буғунги кунда хам, келажак авлодлар учун хам ибрат мактаби бўлиб қолади.

Асрлар давомида тузукларнинг, унинг ижодкори бўлган Амир Темурнинг дунёдаги аксарият ҳалислари зиёлилари сиёsat, маданият ҳамда харбий сарқардалар томонидан эъзозланиб келинаётгандили ҳам айнан шундандир.

Шуни таъкидлаш лозимки, агар Амир Темур тузукларида ва ҳар қандай жамиятдаги ҳал қилувчи аҳамиятга эга табака ҳамда доно фикрлар күйи бўгиндан то йирик амалдорлару мансабдорлар гурӯҳ вакиллари томонидан ижодий ёндашув асосида ўзаро муносабатга тортила, ўша жамият албатта ривожланиши, тараққиёт сари юз тутиши мукаррар. Унда хар қандай муаммонинг аниқ ечимини топниш йўллари таъкидлаб кўрсатилган. Агар «Тузуклар»даги бошқарувчилар билан бошқарилувчилар, яъни

¹ Каримов Н.А. Қосиник маънавияти – сенгимас кун. Т. «Маънавияти». 2008. 45-бет.

фуқаролар үртасидеги мұносағаттар қандай килиб зиддияттардан холи қылғанғанғы, бу эса жамияттннг ижтимоиј равнакига йўл очғанлар нұктаназаридан ёндашилиб, уннинг сабокларидан тўғри хулоса чиқаришга эришилса, тузуклар ўз асрида кўйилган вазифаларини яна давом эттира олиш кучига эга бўлиб, маънавий кувват бўла олади. Буни Соҳибқироннинг васият ўрнидаги ўтилари хам тасдиқлаб турибди. Бу ўтилар миллий давлатчиликннг барча даврларига дахлдор дейиш мумкин. «Бу «Тузуклар»дан ўз салтанат ишларини бошқаришда кўлланма сифатида фойдалангайлар, - дейди Амир Темур, - тоқи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзудан омон бўлтай». Соҳибқирон курдагти салтанатни идора этишида 12 тамойилга катый таяниб фаолият юритганинни тъкидлайди. Кейинги авлоидарни хам шунга риоя этишта чакиради.

«Темур тузуклар» жамиятннг барча ижтимоиј-иктисадий, маданият соҳаларини юксаттирища муваффакиятлар қалити бўлди. Амир Темурнинг зафар қалити - устозлари Тойбодий, Мир Шамсиддин куол ва Мир Сайдид Баракаларга бўлган эҳтироми бўлди.

Соҳибқирон Амир Темур қандай мұваффакиятларга эришмасин, уларда устозларининг карталарни улутши ва хиссанини тъкидлаб ўтади, уларнинг хурматини жойига кўйиб, доимий душоларини олганлитини тъкидлайди. Жаҳоннинг тент ярмини идора килган буюк салтанат соҳиби вафотидан кейин ўз жасадини Мир Сайдид Барака обеѓи томонидан кўйишларини васият килади. Бу васият уннинг устозигига бўлган чексиз хурмати белгиси эди.

Амир Темур жамият хаётида турили тоифалар кагта ўрин эгаллашини яхши тушуниб, давлатни бошқаришда уларнинг мавкеси, асли ва салоҳиятидан ўринли фойдаланишга харакат килди. Улар билан мұносағатларни узокни кўзлаб, акт-идрок кучига таяниб, хал кила борди. Давлат бошқарувида устози Абубакр Тойбодийнинг ўтири ва маслаҳатларига амал килиб, Соҳибқирон унни кўйидаги саъй-харакатларидаги татбик килғанлитини тъкидлаб ўтади. «Хеч кимдан ўз олиш пайдада бўлмадим». Тузимни тобиб, менга ёмонлик килганларни парвардигори оламга топширдим. Иш кўрган, синалган, эр йипитларни кошимда тутдим. Соғдил кишишларга, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доним очик эди. Нафси ёмон

химматшизларни, кўнгли бузук кўркокларни мажлисимидан кувиб юбордим. Очик юзиллиқ, раҳм-шағиқат билан халқни ўзокроқда килдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узокроқда бўлишга интишдим».

Тоифалар билан мұносағатни тўғри амалта оширишида Мир Сайд Бараканинг ўтиллари хам алҳоҳида ўринда турди. Уларда кўйидаги тъкидлар мавжуд эди: «Буюк зафарлар соҳиби Темурага, корхонаси Тангри таоло корхонасининг бир кичик нусхасидирки, унда турли мансабдаги ходим ва хизматкорлар, ноиблар, эшик оғалари бордир. Уларнинг хар бири мартабасига яраша ўз юмуши билан машғуллар, хеч бири ўз мартабасидан четга чикмайди ва доммо Аллоҳнинг амрига мунтазир бўлиб турадилар. Шундай бўлгач, сен хамиша хушёр ва эҳтиёткор бўлгин, токи вазирлар, лашкарбошилар, амалдорлар, иш бошқарувчилар, сипохсолор, сийахитлар, юнуслар, юнус-хизматчиликннг чикмасин ва доммо лардан хеч бири ўз мартабаси чегарасидан чикмасин. Хар тоифа ва хар сенинг хўкмингта мунтазир бўлиб туришсин. Хар салтанатнинг Низоминга келиб, кавмни ўз мартабаларида туттинки, салтанатнинг Шамсиддин куол ва Мир Сайдид Баракаларга бўлган эҳтироми давлат интизомга киргай. Агар, хар нарсанни ва хар кимни ўз мартабасида сақдай олмасанг, салтанатнинг бундан кўп халал ва зиён етгай. Демак, хар кимнинг кадр-кимнатини, тутган мавкени ва хар нарсаннинг ўлчовини белгилаб олишинг ва щунга мувоғик иш юритишинг керак.

Харрати Мухаммад авлодидан бўлғандарнинг мартабасини бошқардардан юкори кўтариб, уларнинг иззат-хурматини жойига кўйигил. Уларга канча кўп мухаббат билдирисанг хам уни исроф деб ўйлама, чунки кайси иш худо йўлида бўлса, унда исроф йўқдир. 12 тоифа билан давлатинга зинаг бериб, шулар билан салтанат тоифа, вассалом!».

Амир Темур бу ўтиридан ўтга сиёсий масала сифатидаги караб, ўзининг бунга мұносағатини куйидагича билдириган эди: «Пиримнинг ушбу хати менга еттач, унда буюрилган хар бир нарсанни бажо келтиридим. Салтанатим ишларини конун-коида ва интизомга солиб», салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим. Салтанатимни 12 тоифага боғлаб, туздим. Бу 12 тоифани салтанатим фалакининг 12 буржи ва давлатим корхонасининг 12 ойи деб хисобладим.

1-тоифа - саййидлар, уламо, шайхлар, фозилларни ўзимга

якнилаштиридим. Улар менинг саройимга доимо келиб-кетио, мажлисмни безаб туриши. Диний, хукукий, аклий масалаларни ўргага ташлаб, кимматли фикрлар билдиришарди, ҳалол ва харомга оид масалаларни мен улардан ўргандим.

2-тоифа - акли кишлар ва кенгаш сохиблари, эхтиёткор арабблар, сергак ва кейинни ўйлаб, олисли кўриб иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишларни хос мажлисимга киритиб, сухбатларидан, ишларидан наф олиб, тажриба хосил килардим.

3-тоифа - дуотгўй кишларни кадрлардим. Улар билан орассида сухбат курниб, кўнглимдаги максадимни айтиб, дуотилардим. Мажлисларда, базмларда, жант майдонларида улардан кўп баракатлар топдим.

4-тоифа - амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорларга мажлисмдан ўрин берил, мартабаларини юкори кўттардим. Улар билан сухбатлашиб, маслаҳатлар олдим. Жанг майдонларида мардана кимчлашган шизжоат аҳлини дўст тутардим. Жанг майдонларига от чоптириб кириб, чикиш усулларини,ғаним лашкари түпни бузиб, уларни синдиришни, наиза санчиб, килич чопкилашни, бутун уруп-талаш ишларини улардан сўрар эдим.

5-тоифа - сипоҳийлардан чиксан баҳодирлар, довюраскларга маҳсус фахрли ўтов, камар ва таркаш тақдим этиб, мартабаларини кўттардим. Хар эл ва хар мамлакатнинг утуғларини, бошлик оксоқолларини кадрладим. Уларга соғса-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим. Сипоҳийларимни хамиша жантга тайёр холда тутдим, ойлик ҳакларини сўрғатирмай, вактида берардим. Чунончи Рум юришида сипоҳийларимга ўтган ва келакажда киладиган хизматлари учун 7 йиллик озукаларини бирданига бердим.

Сипоҳ ва раиятни шундай тутдимки, биронгаси иккинчисидан устунлик килиб, каттик гапира олмас эди. Болшка сипоҳийларни ўз мартабаларига ва дарражаларига караб шундай саклардимки, ҳадидан ташкари бирон кадам кўя олмасди. Уларнинг мартабаларини кўп кўтариб, ховликтирадим ва на кўп тушвириб юбориб, кўнгилларини чўкитирадим. Кайси бири кўзга кўринарли бирор хизмат кўрсатгар экан, инъомлар бериб, бошкалардан айрича хурматладим. Кимнинг акли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошкаларникидан ортикроқ кўрсам, уни тарбия

килиб, амирлик дарражасига чиқарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада кўттарар эдим.

6-тоифа - ақсли, тажрибали энг ишончли кишларки, салтанат ишларини, сирларни уларга очиб, улар билан кенгаш килишимга лойик кишлар эди. Булар билан сирдошлик килиб, яшнин ишлар, маҳфий сирларни шуларга топширдим.

7-тоифа - вазирлар, бош котиблар, девон муњишиларини, салтанатим саройини шулар билан безатдим. Буларни менга тобе мамилакатлар уйларининг кўзгуси деб билдим. Чунки улар эл орасида ва мамлакатда бўлаётган кундалик воеаларни, сипоҳ ва раият турниш-турмушини менга билдириб турар эдилар. Булар давлат хазинаси, сипоҳ ва раиятга оид ишларни тартибга солиб, юритдилар. Сагтанағ мулкига тушган раҳналарни бекитишнинг лойик чора-тадбиirlарини кўрдилар. Салтанатим корхонаси хазинасининг кирим ва чикнинга оид ишларни тўғри олиб бордилар. Хамиша мамлакат тўқинчилиги ва ободлиги учун харакат килдилар.

8-тоифа - ҳасимлар, табиблар, мунажжимлар ва мухандисларки, улар салтанат корхонасига ривож берувчилардир. Уларни ўз атрофимга тўпладим. Ҳокимлар ва табиблар билан иттифокда беморларни даволаттар эдим. Мунажжимлардан сайёralарнинг кутлуг ва кутсиз кунлари, уларнинг ҳаракати ва осмонда айланнишини аниқлаб олардим. Мухандислар билан иттифокда олий иморатлар барто этиб, бوغу бўстонларнинг лойиха ва тархини чиздирдим.

9-тоифа - мухандислар, пайғамбар, унинг авлодлари ва саҳобалари ҳакида ривоятлар нақл килувчилар (тарихчилар) хамда киссаҳонлар бўлиб, уларни ҳам ўзимга яқинлаштиридим. Пайғамбарлар ва авъдиёлар ҳақидаги киссаларни, ўтган подшолар тўғрисидаги ҳабарларни, уларнинг салтанат таҳтига кандай етишганликларини, давлатларнинг қандай сабабларга кўра завол ахволидан хабар топар эдим.

10-тоифа - машойхлар, сўфиilar, худони таниган орифлардир. Уларнинг мизматларидан бўлиб, сұхбатлар курдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сўзларини

эшитиб, кароматлар кўрдим, фавқулодда одатларни мушоҳада этдим ва сұхбатларидан роҳатланиб, хузур қилдым.

11-тоифа касбу-хунар эгалари, буларнинг хар тоифа ва синфидан бўлғанларини давлатхонамга олиб келиб, ўз ўрдамдан ўрин белгиладимки, сафарда ва хатарда сипоҳимга керак яроқлар ва бошқа нарсаларни хозирлацилар.

12-тоифа хар мамлакат ва диёр саёҳатчилари-ю, мусоғирларининг бошини силадимики, турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Хар бир мамлакатта ва диёрга савдогарлар ва карvonбошилар тайинладимки, улар каегра боришмасин, у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тухфаларидан келтиришсин. Ўша мамлакатларда яшовчи кишиларнинг хол-ахволи, туриш-турмушлари хасида менга хабар олиб келсингилар. Хар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалат-ю, муносабатда эканлигини аниқладилар.

Буюк Соҳибқирон мағқурасининг асосий моҳиятни ташкил этган «миллат дардига дармон» бўлишга чакириғи хозирги кунда хам сув билан ҳаводек зарур даъватдир.

«Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, дунёда иккى куч –бунёдкорлик ва бузгунчилик ғоялари хамиша ўзаро курашади. Бунёдкор ғоя инсонни улуглайди, унинг руҳига қаноат бағишлайди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг пароканда юргани бирлаштириш, марказлашган давлат барпо этиш, мамлакатни обод килиш борасидаги ибратли фаолиятига ана шундай эзгу гоялар асос бўлган»¹.

8.3. Амир Темур ва темурйлар даврида маънавий- маданий уйғонниш

Маданиятимиз ва маънавиятимиз тарихининг энг кудратли, сифат жиҳатдан янги даври Амир Темур ва темурйлар хуқронлиги даврига тўғри келади. Иқтисодиёт, маданият, маънавиятнинг янга қайта юксалishi, ижтимоий алоқаларнинг мустаҳкамланishi турли кабила-уруғлар, қавмлар, эллаглар ўртасидаги муштарақликни кучайтириди, уларнинг миллий жиспласишини тезлаштириди. Эски ўзбек адабий тили шакслана-

бошлади. У Тароз ва Яссалан то Ҳиротгача форс тили билан бир кагторда умумий алока ва икод воситасига айланди. Миллй онг, тағаққур, миллй адабиёт ва санъат, илм-фан ривожида кишиларнинг янги тарихий бирлиги шаксланиши эҳтиёжлари ўз аксини топди. Биз бу давраги чигатой-туркийни эски ўзбек тили, Дурбек, Саккокий, Атойи, Гадой, Лутфий, Навоий, Бобур изходини мумтоз ўзбек адабиёти деб бежиз атамаймиз. Бутуни мумтоз ўзбек адабиёти, санъати, ва маданиятининг шаксланишида Амир Темур ва темурйлар даври ҳал қивлувчи аҳамият қасб этди. Мўғуллардан хокимият Амир Темурга ўтгандан сўнг маънаний хаёта ҳакиқий Уйғониши даври бошланди. Маданият, маърифат, хунармандчлик, савдо-сотик гуллаਬ-япнади, шахарлар ва кишлоқларда ободончилик кенг кўламда олиб борилди. Ариқлар, каналлар казилди. Янги ерлар ўзлаширилди, боғлар барпо этилди. Каравонсаройлар, мадрасалар, ҳаммомлар, бозорлар, расталар, саройлар, хашаматли иморатлар, сув қувурлари қурилди. Амир Темур бу ишларни нафакат юртида, шунингдек, забт этилган мамлакатларда ҳам амалга ошириди.

Йирик империяга бирлашган ҳалиқлар ва уларнинг маданиятлари ўртасида мулоқот кучайди. Турли ҳалиқлар маданиятлари бир-бирларидан ўргандилар, бир-бирларини бойитдилар. Империя, гарчи ҳарбий юришлар натижасида тузилган бўлсада, унда ичki бошқарува зўрравонлик кўлланылмас, балки Амир Темурнинг «Куч - адолатда» тамоили асосида иш юритилар эди. Амир Темур давлатида миллий маданиятининг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши асло зўравонлик натижаси эмас, балки буюк бунёдкорлик, ҳалиқларнинг ўзаро яқинлашуви, ҳамкорлиги натижасидир.

Амир Темур давридаги алломалар ҳакида гапирганда аввало, унинг хос, яқин кишиларидан бўлган мавлоно Абдумаликни эслаш ўринилди. У Бурхониддин Марғононийнинг авлодларидан биридир. Абдумалик мударрислик қўлган, шеърлар ёзган. Туркий, араб ва форс тилларини, турли илмларни мұкаммал эгаллаган шахс бўлган. У Амир Темурнинг араб олимлари ва фозилу уламолари билан сұхбатларида, баҳсларида таржимонник килган. Амир Темур билан сұхбат курган, бир канча муддат унинг кароргоҳида яшаган Ибн Ходдун ва босқа алломалар ўз хотираларида Абдумаликка юқсан баҳо берганлар.

¹ Миллӣ истислоғи ролин. Асосий тушушга за томонинчар. Т. Ўзбекистон. 2000. 10-бет.

Амир Темур даврининг донги чиккан олимларидан Сальдудин ат-Тафгозоний, Сайид Шариф Мухаммад ал-Журжоний, Жоха Мухаммад аз-Зохид ал-Бухорий курсатиб ўтиш лозим. Жоха Мухаммад аз-Зохид ал-Бухорий Куръони Каримни юз жылданда тафсир қылган. Мусика имидан шуҳрат топган бастакор ва устоз Абдуходир ал-Марғорий номи ҳам тарихда колган.

Ибн Арабшохнинг ёзишига караганда, мавлоно Аҳмад ибн Шамс ул Аймма туркча, форсча, арабчада «малик ул қалом» унвонини олган. Бу учала тилнинг подшохи деганидир. Ушбу муносабат билан шуни алоҳида тарьидамокчи эдиски, ўрга асрларда илмий, адабий ва маданий ҳётнинг миллийлиги қайси тилда битилгани билан белгиланмаган.

Ғарбий Европода бадий асрлар XIV аср охиригача, илмий асрлар деярли XVII аср охиригача асосан лотин тилида ёзилган. Адабиёт ва санъатнинг миллӣ тилга кӯчиши Ренессанс даврида узил-кешил ҳал бўлди.

Бизнинг минтақамизда араб тили илм тили сифатида XV асрдагача ўз мавқеини саклаб турди. Лекин, форс тилининг илмий мавқеи ҳам бу даврга келиб анча юксалган, хатто араб тили билан тенглashing колган эди. XVI асрдан Марказий Осиёда сўниб бораётган табиатшунослик ҳам тұла форс тилига күчди. Бадий ижодда IX асрдан бошлаб форс тили етакчилик кила бошлади. Аҳмад Юғнакий, Юсуф Ҳосҳоқиб каби атоқли шоирлар ижоди корахонийлар даврида туркӣ тилдаги алабий юксалиш намунасидир. Лекин, бу юксалиш чингизийлар даврида таназзулга юз туттган эди. XV асрдаcha минтақамизда араб ва туркӣ тилда битилтган асрлар, бу тилда ижод кылган адаблар кам бўлмасада, улар орасида даҳо дарражасидаги йирик ижодкорлар йўқ эди. Лекин бу туркӣ ҳалклардан адабиёт соҳасида бундай ижодкорлар XV асрдача чикмаган экан, деган тушунчани англатмайди.

Тарьидаш жойзки, Самарқандга ва мамлакатмизнинг бошка шаҳарларига ўзга юртлардан кўчирриб келтирилган хунармандар, санъаткорлар, олимлар оила аъзоларининг ҳак-хукуклари чекланмаган, улар кулга ёки хизматкорга айлантирилмаган. Балки маҳаллий аҳоли билан бир хил шароитда, бир хил хукука эга бўлиб яшаган ва касб-кори билан шуғулланган.

Юқорида иктибос келтирилган Ибн Арабшоҳ 12 ёшида

Самарқандга опласи - онаси, ақа-укалари билан кўчирилган эди. Унинг Самарқандда ҳар томонлама билим олиб, етук тарихавис, шоир ва адиб, кўп фанлар бўйича чукур билимдов бўлиб етишгани юкоридаги фикримизни тасдиқлайди. У чигатоӣ туркий (эски ўзбек), араб ва форс тилларини мукаммал билган. Чигатоӣ туркийда шевълар ёзган, хатто ўзининг айрим илмий асарларини бу тилга шевъий усулда таржима килган.

Амир Темур фаолиятининг бош гояси «Куч - адолатда» хикмати, умуминсоний аҳамиятга эга. Бу ғоя ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам энг эъзозли умуминсоний мальнавий қадриятлардан, ахлоқий ва хуқукий меъёрлардан бири бўлиб колажас. Ростўйлик, ҳасикат-гўйлик, адолатпарварлик, юрти ва фуқаролари тўғрисида қайғуриш, мамлакатни тинч ва осойишта, обод ва фаровон бўлишига бутун куч-ҷайратни, акт-заковатини йўналтириш каби Амир Темургагина ҳос фазилатлар унинг чинакам буюқ мальнавий шахс бўлишига, буюқ бунёдкор давлат бошлиги сифатида тарихда ўчмас из қолдиришига хизмат килди. Мазкур фазилатлар унинг авлодларига ибрат бўлди ва ҳозир ҳам шундай.

Давлат бошқаруви, демократия тамойилларига сунниш, ижтимоий ҳаётни тартибга солиш, жиноятчиликка карши кураш ва конун устуворлигини тъминлаш, ҳалқаро муносабатларни тент, иккى томонлама манфаатдор иктисадий алоказалар ва ҳамкортик асосида қуришга оид бутун тан олинган умумбашарий мъёрлар, қадриятларнинг бироргаси йўқки. У Амир Темурнинг аматий фаолиятида ва сиёсатида куртак сифатида маъжуд бўлмаса.

Амир Темурнинг давлат ишларининг 90 фоизи кенгашу машварат, факат 10 фоизи куч (яъни мъймурий йўл) оркали ҳал килиниши лозим, деган тамойилни ўз даври учун маслаҳат асосида, яъни ўзига ҳос демократик бошқарув мъёридир. Ҳалк норози бўлган, адолатни бузган ҳокимларни вазифасидан четлаштириб жазололаши ёки мамлакатнинг бир сарҳаддан иккинчи сарҳадига бошига бир лаган жавоҳир кўйиб ўтётган болакайнинг бирор дона ҳам жавоҳири йўқолмайдиган тартиб ўрнаттани адолат ва конун устуворлигининг ўз даврида таъминланishiдир.

Унинг Ғарб давлатлари хукмдорларига ёзган мактублари мамлакатлар ўргасида уруслар эмас, савдо-сотик ривожланниши фаровонликка, ободончиликка хизмат килиши тўғрисидаги фикрлари ва бундай алоказаларни ўрнатиш бўйича билдириган амалий

таклифлари хам бутунги халкаро сиёсий ва иккисодай алокалар негизида ётган тамойилнинг ўша даврда ниш урган куртагидир. Юкорида кайд этилган тамойиллар, мөвёрлар бевосита маъниятнинг моҳиятини мөхиятли унсурларидир. Улар турли тарихий даврларда тури кўринишлар касб этиши, шаклан ва мазмунан бойинши табиий. Бугун биз буннинг гувоҳимиз. Фаҳр билан эътироф килишимиз мумкинки, замонавий умуминсоний қадрияларнинг муайян кисми ўз илдизлари билан бизнинг ажодларимиз ижодига ва фаолиятига бориб тақалади.

Темурий шахходалар, афуски, ўзаро тахт ва мансаб талашиб, мамлакат баркаор ва бир текис ривожланишини анча кийинлаштирилар. Лекин уларнинг аксарияти чукур билимти, адабиёт ва санъатга кизикучан, ўзлари хам ижод борасида юксак иктидорли эдилар. Шу боис илм-фан, санъат ва дин арбобларига ҳомийлик қилдилар. Уз мулкалари, вилоятлари ёки ҳокимият ишлари келиб колсалар, бутун мамлакат минъесида ободончилик интилдилар. Айниска, Шоҳруҳ, Улугбек ва Ҳусайн Бойкаро каби темурий шахходалар бу борада алоҳида ажрабиб турадилар.

Амир Темур ўз васиятида тўнғич набирасан Пирмухаммадни ватниҳад қилиб тайнлаган эди. Аммо, авлоди унинг бу васиятига амал қилмади. Ток-таҳт учун курашлар оқибатида Амир Темурнинг кенжа ўғли Шоҳруҳ ҳокимиятни кўлга киритди. Отаси васияти бўйича давлат тепасига келмагани учун бўлса керак, отаси тахтига ўтиришига жазм қилолмай, пойтахти Хиротта кўчирди ва Самарқандни ўғли Улугбекка топшириди. Бу хол унинг маъниявий аҳлоқий фазилатнинг бир киррасини кўрсатиб турибди.

Самарқанд ва Хирот нафакат темурийлар давлатининг, балки бутун ислом маданияти, илм-фани ва санъатининг иккى марказига айланди. Самарқандда Улугбек атрофида ўша даврнинг буюк риёзиётчи ва астрономлари, мухандислари, турли фанлар бўйича бошка олимлар тўпландилар. Усмонли Туркия мамлакатидан Коизода Румий, Эрондан Ғиёсиддин Жамшид Коший Улугбек хузурига келиб, у билан бирга тригонометрия, геометрия ва астрономия соҳасида, астрономик асбоблар, глобус ясаш бўйича таддикотлар ўтказадилар. Кейинчалик махаллий ёшлардан буюк олим Али Кушчи етишиб чиқди. Улардан ташкари Муҳаммад Ҳаифий, Ал-Бухорий сингари кўплаб истебодли,

Олимлар Улугбек мадрасаси ва расадхонасида фаолият кўрсатдилар, ёшларга таълим бердилар, илмий кузатишлар олиб бордилар. Самарқандда ўша даврда жаҳондаги энг замонавий, мукаммал обсерватория - расадхона курildi. 1018 та юлдузнинг координатлари анистаниб, жадвали тузилди. У ҳакконий равишда «Зижи жадиди Кўрагоний» ёки «Зижи Улугбек» деб аталди. Улугбекнинг илмий мактаби ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний ва айниска, ал-Беруний илмий месосини чукур ўрганди, таҳтил этди, бу мероснинг ҳизий вориси, давомчиси бўлиб, илм-fan, маънавияти тарихи саҳнасига чиқди.

Ғиёсиддин Жамшид Коший ва бопшакларнинг ёзиб колдиришича, Берунийнинг «Конуни Масъудий» асари Улугбек шогирдлари ва ҳамкаසбларининг деярди кўлидан тушмайдиган китоб, дарслик бўлган. Бу асарнинг турли боблари бўйича мунозаралар, илмий баҳслар олиб борилган, улар оғзаки ва ёзма талкин килинган.

Хоразмий, Фарғоний, Беруний ривожлантирган фалакиёт илми ўзининг олий юқосалишига Улугбек академиясида эришиди. Телескоплар ихтиро қилинуга кадар ривожланган жаҳон фалакиёт илмининг хуросаси ва чўққиси Улугбек ва унинг ҳамкорлари ижодидир.

Маълумки, эзик тузип учун осмон жисмлари энг камидаги 12 йил, ўртача 24 йил, тутал бўлиши учун 36 йил кўзатилади. Шу боис, Улугбекнинг давлатаги ишларидан бўшаган пайтлардаги асосий вакти расадхонада юлдузлар ва осмон жисмларини кузатишига кетган. Улугбек зижини тарьиғлаб ўтиришинин хожати йўқ. Уни бутун дунё тан оғлан. Унинг муалифига Шарқу Ғарб ўрта асрларнинг энг буюк астрономи деган баҳо берилган.

Давлатшоҳ Самарқандий Улугбекка «маоний илмida (мальнолар илми - дунёвий фанлар ва мантлик) килни кирк ёрди», деб баҳо беради. «Унинг даврида, деб ёзали давлатшоҳ Самарқандий, - олимум фозиллар мартабаси ниҳоят баланд чўккига кўтарили... Фозиллару ҳакимларнинг яхил фикрлари шулики, исломият замонида, балки Зулкарнайн замонидин шу пайтага Улугбек кўрагондек олим ва подшоҳ салтанат таҳтида ўтиримаган».

Жамшид Коший ва Улугбек томонидан синус бир градусини

¹ Карайт-Амир Темур ва Улугбек замонотлари хотирига Т. «Ўзбекистон», 1996, 10-6.

хисоблаш масаласининг икки ортинаш усулда ечишини хориж олимлари хам мұккамал ечим деб баҳолагандар. Биз Улугбекни күпрөк буюқ фалакиети (астроном) олім сифатыда биләмиз. Аспида у тригонометрия ривожига хам бекітес хисса күшган. Умуман Улугбек кизиқиши ва биллигига күра, хар жиһатдан комусий олім бүлған. Унинг «Түрт улус тарихи» деган ийрик асари (афсуски, тұгалланмай колған) мұстасиқлік ийліларда халықмзға етиб келді. Фараз килиці мұмкінки, астрономик күзатыштарини якунлагач, Улугбек фалсафа, тарих, адабиётшүнослик ва бошқа фанлар билан хам жиідій шүгүлланған эди. Чүнки Жамшил Кошой маньдумотига күра, «у конуншунослик (фикс)дан яхши хабардор, мәнтік, адабиёт услубарини хамда мұсика назарияси ассосларини билади. У киши риёзиёт фанининг барча тармоктарини мұккамал әгаддаган...».¹

Улугбек илмий дүнекарааш тарафдори, айни пайтда комил мусулмон эди. У ислом акидаларини, Куръон оятлари ва хадисларни талқин кілар, хуроғотың, мұтасибиликни қабул қылmas эди. Шу бойис уні диний мұтаассиблар унта хушшамагандар. Бу Абдуллатиф күрсатмаси билан Самарқанд уламоларининг Улугбек тақдирини хал қылыш борасыда қабул қылған хүкмларда уз ifодасини топған.

Улугбек мактабининг яна бір дахоси - Али Күшчининг илмий хизматларини хам алохуда таъқидлаш лозим. Али Күшчи ўрта асрларда юртимиздан дүнёвий илм-ған, табиатшүнослик соҳасыда чиқкан охирги комусий олимдир. У үз замонасиддаги дүнёвий илмларга оид деярли барча фанларни пұхта эттеган. У нафакат математика ва астрономия фанлари ривожланишига буюқ хисса күшди, шуннингдек, мәнтік, фалсафа, грамматика ва адабиёт нағарияси, табобат, фикх, тарих ва бошқа соҳаларга оид рисолалар хам битиб, уларни бойтди. У бу соҳаларға бағишланған асарларда хакиқи илмий усулни, рационалистик тақыл ви умумлаштырышни, илмий холистикалық (объективликни) химоя килді. Яңы илм-ғанда, тафаккурда, дүнекараашда Улугбек тамойндарини давом этирди ва химоя килди.

Али Күшчи математика фаннiga «мұсbat» ва «манғай» түшн-чаларини киругди, ўнны касрлар назариясини бойтди. Аё София мадрасасыда бөш мұдаррис бүттәннідегі 90 градусдан кичік

бүрнекларининг ўтmas бўлиши мұмкінлиги тўғрисида баҳслар юритди. Кейинги холатни нөзвестид геометриясига таалтуқли олиб борилган илктадықтардан бири, деб баҳолаш мұмкін.

Астрономия соҳасыда эса у Улугбекнинг ўнг күти эди. «Зижи жадиди Күрагоний» Али Күшчи иштирокисиз, балки, тұгалланмай колған бўлур эди. Унинг шархтарини араб тилига таржима қилиб, бутун жадвалга тартиб берган хам, Улугбек катлидан кейин сақлаб қолиб, бутун дунёга тарғибот кылган хам Али Күшцидир.

Улугбек ўз атроғига нафакат олимпари, шуннингдек, истебъодли шоир ва бастакорларни, адебилярни, мемморларни, рассом ва наққошларни, хаттогларни ва санъатнинг бошка соҳаларига оид ижодкорларни тўплади. Мұмтоз ўзбек адабиётининг шакланишига Навоийгача замин яраттганлардан бири - атоқли шоир Саккоқий Улугбек атроғидаги ижодкорлардан эди. Жоха Исматулло Бухорий, Камол Бадаҳшоний каби шоирлар, «олми хикматда замонаснинг якстоси» Алоудин Шоший, машайих Xасан Аттор каби атоқли ижодкорлар Улугбек даврида Самарқанднинг маънавий хаётини юксалтирилар.

Буюқ факиҳ Абул Лайс ас-Самарқандийнинг авлодларидан хожа Фазулullo Абуллайс - Алишер Навоийга иккى йил дарс берган улугбек устоз хам үз ижодий фаолиятини Улугбек даврида боштаган. Улугбек Самарқандда, Бухорода, Фиждувонда олий мадрасалар (ўша даврдаги университет), бошка шаҳарларда хам кўплаб мактаблар ва мадрасалар курдирди. «Илм олмоқлик ҳар бир муслім ва мустима учун фарз» деган хадисни Бухорода курдирган мадрасаса эшиги тепасига ёздирди кўйди.

Темурийлар даври маънавияти ва маърифати ривожи ўзларини онгли хаётини ва фаолиятини инсоннинг баҳт-саодати, халқлар осойишталиги ободонлик ишлари, илм-ған, адабиёт ва санъат ривожига багишланған иккى буюқ мұтағақкир Абдурахмон Жомий (1414-1492) ва Мир Алишер Навоий (1441-1501) ларнинг номи билан чамбарчас боғлиқ.

Абдурахмон Жомий Ўрта Османлы халқлари матьнавий оламида, бадий тафаккур осмоннанда ёрқин нур сочиб, ўчмас из колдирган мұтағақкирлардан бири. Абдурахмон Жомий темурийлар даври дунёкараши, мағфұраси бўлмисша нақшбандийликка ихлос кўйтган, уни кабул киғлан, ўзи шу йўлдан борган ва унинг ғояларини тарғиб эттан. Накшбандик адолатни, ўз меҳнати асосида бунёд этилган

¹ Амир Текур из Улугбек замонкоршарни хотирасын Т. «Ўқитувчи», 1996, 278-бет.

Халол лукмани маъқуллаган, дабдабални хаётни рад етган, гирром ўйлар билан мол-мулк топишни коралатан. Бу тайлимот инсонпарварлик, ростпўйлик, халоллик, меҳнатсеварлик, маънавий пояслик, камтарлик, самимийлик каби чин инсоний фазилатларни угулгатан. Унинг «Дил ба ёру ласт ба кор» – «Кўнгил Оллоҳда-ю, гўл меҳнатда» шиори Жомий ва Навоий каби мутафаккирларни ўзига жалб этган. Шу сабабли бу иккиси сиймо, сўз санъаткорлари накшбандийлик йўлуни кабул килгандар ва ўз ижодларида унинг рояларини таранинг ётганлар.

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, мутафаккир, давлат аробоби, Осиёнинг маънавий ва мальрий фикр тараккётида алоҳида ўрин тулади. У адабиёт ва санъатнинг турли соҳаларига оид кирдан ортиқ асар яратди. «Чор девон», «Ҳамса», «Махбуб ул кулуб», «Мухокамат ул лутагани», «Маржолос ун нафонс», «Лисон ут тайр» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғорт кучли ва самарали тасвир кўрсатсан улуг зотлардан бири – бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўтабар номи, ижодий меросининг бокийлиги, бадий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳакида доимо фахрланиб сўз юритамиз.

Алишер Навоий халқимизнинг онти ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллӣй адабиётимизнинг тенгизнамояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаҳрафини дунёга тараннум килган ўтмас сўз сўзловчи бирон-бир инсон йўкки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан карамаса».

Собик туумда маънавий-маърифий соҳаларда миллиатнинг тарихи, ўзлиги, маънавияти, қадриятларини йўқ килиш максалида кандай ишлар амалга оширилмасин, миллиатмизнинг дунёкашини бутунлай ўзгартира олмади. Халқимиз ҳар кандай шаронгда ҳам ўзлигига кайтиш кайфияти ва рухияти билан яшаб келди. Чунки шуролар тузуми бермокчи бўлган маънавият ва маърифат, уни шакллантириш миллий маданиятлар ривожланишининг обьектив конуналарига асосланмай, балки, коммунистик мағфуранинг зўравонлигига таянган эди. Бундан ташкари соник тузум бермокчи бўлган маънавият ва маърифат миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири асосида бойишга эмас, балки, рус миллиатнинг маданияти ва маърифатини бошқа миллията сингдиришта қартилган эди.

Собик совет жамияти маданиятининг модели «назарий» жиҳатдан «асосланган» бўлса ҳам, аммо у амалда мавхум тушунча эди («мазмунан социалистик, шаклан миллий»). Моҳият жиҳатидан эса ўзбек халқи аждодлари томонидан асрлар давомида яратилган ва булуни авлодларга мерос бўлиб ўтган маънавият ва

маърифатга муҳтако зид эди. Мустакилликка эришишимиз билан бундай ҳолатларга Президентимиз раҳномалитигида барҳам берилди.

Мустакилликкниң дастлабки босқичларida миллий ўзликини англашнинг характерли хусусияти шунда бўлдик, миллий қадриятлардан кўра диний қадриятларни кўрсатиш биринчи ўринга чиқди. Бунинг объектив сабаби бор эди. Хусусан, ўзбек халқи маънавияти ва ривожланишининг шуролар тузуми ўрнатилгунча бўлган даври ислом маърифати билан ҷамбарчас боғланган бўлиб, у миллатмиз онги ва руҳиятнинг муҳим кисмини ташкил килиб келган. Ҳудди шунинг учун ҳам килиш мумкин, деб хисоблаганлар ва шу сиёсатни изчиллик билан амалга оширишга интилганлар. Уларнинг бу харакатлари бежиз эмас эди. Президент Ислом Каримов тарьиҳдаганидек, «**Тарихдан маълумки, бир ҳалкин ўзига тобе қилишин истаган кучлар, аявало уни ўзилгидан, тарихидан, маданийтидан жудо килишга интилади**». Мустакилликни кўлга киритганимиздан кейин тарихий хотира ва диний қадриятларни тикилаш миллий тисланишининг, ўзликини англашнинг муҳим омили сифатида устуворликка эта бўлди. У миллий бирликни мустаҳкамлашда ва миллий тараққётни янги босқичга кўтаришда амалий аҳамият касб этади.

Миллий ўзликинг ўзига тобе қилишлар билан ўсишига қарамасдан, ўзбекистонда миллатлараро ва фуқаролараро низолар келиб чиқмаганлигининг сабаби ўзбек миллатининг вазмийлик, багрикенглик ва бошқа миллат вакилларига нисбатан хурмати каби ўзига хос хусусиятлари туғайдидир. Астиди, 1990-йилларда сабик итифоқдош республикаларда бўлгани каби пароқандалик, тараққёт ўзигининг ноанникиги ўзига хос акл-заковати, босисдик, Аммо ўзбек ҳалқининг ўзига хос акл-заковати, босисдик, вазмийлик хусусиятлари, унинг раҳбари Ислом Каримовнинг визитни тўғри англаб, шунга мос равишда сиёсат олиб бориши пароқандатик йўлни тўсиб, юртда осоиншталикини карор топдири.

Ўзбек халқи ўз атрофида яшаётган бошқа миллат ва элат

¹ Каримов И.А. Миллий истиқолол майоратсан-ҳолик эътиоди ва булоқ көзижаксо ишончири Т. Ўзбекистон 2000. 11-бет.

вазифалари нисбатан дўстлик, бирордари, хамкорлик, ўзига хос меҳр-оқибат туйгуларини саклаб кола олганлиги миллий ўзлини англашдаги яна бир хусусият хисобланади.

Мустақил Ўзбекистоннинг юксалиниши, гуллаб-яшинашининг тарафдори бўлган хар бир фуқаро милиятлараро тутувлик, дўстлик коиддаларига содик бўлиши керак. Чунки мустақил давлатимизнинг келажаги, биринчи навбатда, ўзбек халқининг миллий ўзлигини канчалик англаш етганингтига хамда мамлакатимиз худудида ўзбеклар ёнма-ён истикомат килиб турган хар бир кишининг милияти, дини, тили ва эътиодидан каттый назар, бир-бирининг кўнглини ола билишига, улар ўргасида дўстона муносабатларнинг ўрнаттишига боғлиқ.

Мамлакатимизда хар бир милиатнинг тили, маданийти, урғодатларни тикилаш ва намоён бўлишига кенг юл очиб берилган. Бу эса мамлакатнинг баркарор ривожланиши кафолатидир. Миллӣ ўзлини англашни ривожлантириш йўлида Ислом Каримов сўзлари билан айтганда: «Биз фидойи ватанпарварларни тарбиялашимиз», «Элим деб, юртим деб яшовчи, шу йўлда хатто жоннини хам яймайдиган», «Ўзидан сўнг, озод ва обод Ватан колдирадиган» фарзандларни тарбиялашимиз замон ва мустақиллик талаби. Бунга юртимизда яшаётган хар бир киши мустақилдан каттый назар, масъул бўлмоғи лозим. Ёшларимиз тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарининг мукаддас кадриятларини асраб-авайлаш ва хурмат килиш фазилатини карор топтириш, уларнинг мен ўзбек фарзандиман, деб фуур ва ифтихор билан яшашига эришиш мальнавий тарбия ишимиzinинг марказида турмоги лозим.¹

Агар, биз бугунги миллий ўзлигимизни англаш борасидаги вазифаларни талаб дарражасида амалга ошира одсак:
Мустақиллигимизни абадийлаштиришга, озод ва обод Ватан, фаровон хаётни куришга, мамлакатимизнинг дунёвий нуғузини оширишга, ўзимизнинг жаҳон цивилизациясидағи адолатли ва муносаб ўрнимизни топишга эришамиз.

Иккинчидан, миллий ўзлигимизни англашимиз авлод-ажоддодаримиздан колган бой меросимизни ўзлаштиришимизга олиб келади. Бу факат мустақиллигимизни мустаҳкамлаш

13.3. Хукукий саводхонлик - мальнавий етуклик мезони

Хар кандай мустақил давлатда халқнинг эрkin яшashi, фаровон турмуш куриши, хоҳиш-иродасининг амалга оширилиши, эзгу ниятлари хукукий жиҳатдан кафолатланиши лозим. Бу кафолат Ватан тараққиётини, давлат мустақиллигини, халқнинг жиҳистигини, милиятлараро дўстлик ва хамжihatликини, мустақиллижини баркарорлигини таъминлашга шарт-шароит яратади ва у кафолат сифатида, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган. Бу хакда Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining биринчи чакирик ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: Давлатимиз, Ўзбекистонда яшаётган хар бир фуқаро келажагининг кафолатини Конституция берди. Фуқароларнинг хак-хукуқлари, бурчлари Конституцияда белгиланган, тегисли конунлар билан мустаҳкамланган. Максадимиз эрkin, демократик хукукий давлат куриш, адолатли жамият баррою этиш, хеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини хурмат килиш, эрқанилигини таъминлаш», деб кўрсатсан эди.¹

Олимизга кўйилган юксак максадларга эришиш учун бугунги Ўзбекистонга эрkin ва равон фикрлайдиган, унинг осойишталиги, мустақиллигини асраб-авайлашда фаол иштирок эта биладиган, Ватан олдидаги ўз мажбуриятлари ва бурчларини тўғри аңглаб, беминнат ижро эта оладиган фуқаролар зарур будидай фуқаролар келажатимизнинг эгалари бўлган сиз – талаба ошлардирисиз.

Мамлакатимизнинг хар бир фуқароси, Сиз каби ёшлар комусимиз ва барча конунларни чукур ўрганишлари ва уларга амал килишлари зарур. Конституцияни билмаган, пухта ўрганмаган кинни ўз хак-хукуқларини билмайди. Хукукини билмаган одамнинг хаёти охир-оқибатда фожнати ту солиши мумкин. Бу хакда Президентимиз ўз нутқида: «Мадомики максадимиз аник экан,

¹ Каримов И.А. Матний истикод мифкураси - халик эзтиходи ва буюк кенжалеки ишонцир. Т. Ўзбекистон, 1999. 52-бет

инсон хукукпари умумхалқ мухомамасида кабул килинган Конституция химоясида экан, авлоддаримиз, фарзандларимиз келажатига хавф соладиган, миллат шаънига дөг тушрадиган, хатти-харакатлар қаердан пайдо бўлаяпти» дега катис хатти-харакатларга кўл урган кимсалтар конунни билмаслиги, бўлса хам унга менсимасдан караш, хурмат килмаслиги уларда хукукий мадданият йўклиги, этишмаслигини тъкидлайди.

Шундай экан, табиий равишда хукукий мадданият нима деган савол туғилди. Хукукий мадданият – бу ўзингиз яшаб турган, фукароси бўлган мамлакат конунларини яхши билниш, уларни хурмат килиш ва уларга амал килиб, бўйсуниб яшашдир. Шунингдек, хар бир шахс, фукаронинг ижтимоий хаётда фаол иштироки ва бундай фаолликни бошқалардан хам талаб килиш жараёни ҳамдир. Хукукий мадданият инсоннинг ички дунёси, мадданияти, умуминсоний анъаналарга ва хукукий билимларга бўлган муносабатларини белгилайди. Шахснинг ички мальнивияти унинг ташки одобини кўрсатади. Хукукий мадданият этаги бўлган киши жамиятни талаблари ва қоидаларига хурмат билан карайди, жамиятни бошқариша ўзининг хукукий малака ва билимларини ишга солиб, фаол катнашади.

Кўпинча, кишилар хукук, конун, бурч каби атамаларни, баязан тасодифан конунбузарлик килиб, конун олдида жавобгарлик холатига тушиб колганларидагина эслайдилар. Нега конунни буздинг, деб суралганда бундай бўлишини билмаган эдим деб жавоб берадилар.

Бирок конунни билмаслик айбни енгиллаштирумайди. Биз конунга менсимай карасак, уни ўрганмасак, хурмат килмасак бир куни нокулай ахволга тушиб количимиз мумкин. Конунни билиш, хурмат килиш хукукузарлисларнинг олдини олиш демаки, билб-билмай жиноята кўл урмасликинг бир йўлидир. Конунга хурмат инсон мадданият ва мальнивиятининг жэралмас бир бўлалиги бўлиб қолганда, бундай жамиятни бошқариш хам, адолатни қарор топтириш хам осон кечади.

Бундан кўринадики, хукукий саводхонлик хар биримиз конунларни, Конституциямизни яхши билишимиз, уларга амал килиб яшашимиз тинч турмуш тарзимиз ва осойишта фаолият юритишнимиз гаровидир.

Президентимиз хукукий саводхонликни ошириш борасидаги

вазифа «ўз хак-хукукини танийдиган, ўз кучи ва қудратига таяниб яшайдиган, атрофида рўй берадиган воқеа-ходисаларга мустакил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, халқ манфаатлари билан ўйгун холда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор», деб тъкидлайди.

Хукукий мадданиятни, саводхонликни ривожлантирумай тураб салбий холатларнинг олдини олиш, тугатиш анчайин мушкил бўлади. Конунбузарлислардан аввало одамларни, жамиятни химоя килиш зарур. Юргбошимиз Ислом Каримов сўзлари билан айттанда «... давлат давлатчиликтин килмоқчи бўлса, фукаро ни ўз генохига олиши зарур... бошқача айтгандা, давлат ҳар бир фукаросини химоя этиши, унга хукукий ёрдам бериши керак. Конун олдида хамма баробар. Мамлакат конунларига барча фукаро ёшидан, миллатидан, ирки, динидан катъий назар, баробар бўйсунмоги фарз».¹

Юқоридагиларни бажариш, фукаролар хукукларини химоя килиш, адолатли давлатнинг мальнивий ва маърифий вазифаси. Бизнинг вазифамиз эса фукаролар манфаатини кўзловчи конунларга тўлиқ риоя этишдан иборат.

Қаерда конунларга итоат килинмас экан, у ерда адолат бузилади, зўравонлик вужудга келади, ижтимоий-спёсий зиддиятлар кучяди ва охир-оқибатда жамият мальнивий қашшоқликка гирифтор бўлиб, парокандаликка учрайди. Шунинг унун конунларга итоат килиш ҳар бир шахснинг мальнивий юксаслик белгиси билан бир вактда жамиятни баркарор ривожлантиришнинг асосий шарти хам хисобланади.

13.4. Демократиянинг мальнивий-маърифий жihatлari

Демократия (юн. *демос*-халқ ва *кратос* - хокимият):

1) фукаролар Эркинлиги ва тенглиги тамоилии асосида Конституция ва конунларда мустаҳкамланган ҳалқ хокимиятининг шаиси;

2) амалда ўрнатилган ва юзага чикарилган эркин, адолатли жамият ва давлатни англатувчи сиёсий тушунча.

Тарихий тараккиёт жараёнида «демократия» тушунчasi

¹ Каримов И.А. Сюзъ обоз Батан, турни ва фарқон халқ-троверлар максадидот. Т. Ўзбекистон 2000, 12-бет
13-бет
14-бет
15-бет

шаклан ва мазмунан бойиб, тақомиллашиб келган. Бу жараён бүгүнги кунда хам давом этмоқда. Зоро, демократия энг ривожланган давлатларда хам юкори тақомил нұктасига, идеал даражага еттани йүк. Чунки демократия босқыма-босқыч ривожланадын жараён бўлиб, хар бир миллат ва жамият, хар бир даврда уни тушуниш, талқин этиш ва амалиёда кўллашда ўзига хос хусусиятлар намоён бўлади. Бу ўзига хослик халқнинг босиб ўттан тарихий йўли, миллий менталитети, аньяналари, амалдаги ижтимоий муносабатларнинг характери каби омиллар билан белгиландади.

Президент Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, «Хаммани бир колипга солиб бўлмайди. Худди шунингдек, давлатларни хам бир колипга солиш ва бозор муносабатларига ўтиш, демократияни барро этиш нұктаси назаридан уларга бир хил ёндашувларни кўллаш ярамайди».

Демократиянинг характерини белгиловчи умумий мезонлар. Бу демократия тамойилларига риоя килинши, демократик демократик конуналарнинг мавжудлиги ва улар асосидаги демократик институтлар фаолияти билан боғлиқдир. Демократия, мохияткан, инсоннинг хар томонлама камол тошиши учун берилган имконият, шахс билан жамият манфаатлари ўргасидаги ўйгунникини таъминловчи омилдир. Айни пайтда, демократия кабул килинган конуналар, амалдаги тартиб-коидалар ёрдамида шахс хаёти ва фаолиятини тартибга солувчи механизм хамдир.

Бугунги кунда кўплиб мамлакатларда демократия жамиятнинг яшаш тарзига айланни колган. Одатда, вакиллик демократияси ва бевосита демократия бир-биридан фарқланади. Вакиллик демократиясида фуқаролар конунчиллик, ижроия ва бопка функцияларни бажарувчи органларни сайлайди, аммо бу функцияларни амалга оширишда бевосита иштирок этмайди. Бевосита демократия шаклида эса фуқаролар турли масалаларни тўгрildan тўғри ўзлари хал килиш хукуқига эга бўлади. Сайловлар бевосита демократияни яққол намоён этувчи муҳим сиёсий тадбир саналади. Демократия асосида кизиқиш, интилиш ва манбаатларни мувоффиклашибтириш, муросага кеттириш ва келишиш сиёсати ётади. Шу маънода, демократия жамиятдаги кучларни бирлаштиришга, уни мамлакат тараккиёти учун сафарбар этишга хизмат килади. Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Хар кандай мунозарални масалаларни тинч йўл билан хал этиши, музокаралар йўли билан

фигр алмасиши ва энг тўғри, хамма учун бирдей манбаатли бўлган нулосаларга келиш ва хар кандай зўравонликларга, тазик ва куч ишлатишига карши равишда шаркона муносабатлар ишмини эгаллаш - демакки, шаркона демократия тамойиллари асосида иш юритишидир». Демократия инсоният бутуни кунгача кўплаб келган, ижтимоий муаммоларни хал этишининг энг оқилона йўли сифатида эътироф этилган.

Тарихий жиҳатдан демократиянинг башшаниш нұктаси хам, тугаш нұктаси хам йўк. Кишилик жамияти пайдо бўлганиданоқ, демократия куртаслари пайдо бўлган, хатто, энг тараккий этган мамлакатларда хам у ўзининг идеал дарражасига еттани йўк. Демократияни бўтиш, унга раҳна солиш муҳкин, лекин бутунлай тиўқ килиб бўлмайди. Хар кандай даврнинг, хар кандай жамиятнинг ва хар кандай халиқнинг ўзига хос демократияси бўлади. Яъни демократик тамойилларни белгилашда жамиятнинг обьектив ва субъектив шарт-шароитлари асосида шаклланган, халқнинг, миллатнинг ижтимоий онги ва психологияси хал қилувчи ахамият касб этади.

Демак, демократия инсониятнинг маданияти, маънавияти, онги, менталитети, идроки, билим доираси, ишбилиармонлик кобишлияти, унинг жамиятда эркин яшаш ва меҳнат килиш кўнникмаси билан биргаликда шаклланаб, ривожланиб борадиган табиият-тарихий жарабандир. Демократиянинг муҳим хусусияти шундаки, унда халқ хокимияти, яъни озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниш тамойилни расман эълон килинади хамда фуқароларнинг эркинлиги ва тент хукуклигини ётироф этилади. Бу шартлар жамият хамда унинг аъзодлари хаётининг асосий конуни - муайян давлатнинг Конституциясида акс этирилади.

Демократиянинг асосий тамойиллари тент хукуклик, кўпчартиявийлик, хокимиятнинг сайдаб кўйилниши ва халқ олида хисоб бериши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi, озчилик фикрининг инобатга олиниси. Шу билан биргаликда, демократия шароитида хар бир шахснинг шакланишига ўзига хос «чегара» хам кўйилади, яъни Конституцияга оид кондалар ва конунлар орсати шахстарнинг иккимой хайти ва хатти-харакатлари тартибга солинади. Бундан ташкари, демократия жамиятнинг джюзой-психологик истимини вужудга келтирадиган шарт-

шароитларни хам яратади.

Мустақиллик Ўзбекистонда хукукий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини куриш имконини беради. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ана шу йўлдан муввафакият билан илгарилаб борилмоқда. Бугунги кунда жамият хаётининг барча соҳаларини демократлашириш, мамлакатни модернизациялаш ва либераллашириш билан боғлиқ туб ўзгаришлар ва истоҳотлар изчилини билан амалга оширилмоқда. Ана шу жараённинг фаол иштирокчиси бўлиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Демократиянинг маънавий-маърифий жihatлари куйидаги-ларни ўз ичига олади: юқсак сиёсий тафаккур ва сиёсий маданият хар кандай эхтираслардан холи, акл-идроқка таянган фуқаролик позициясига эга бўлиши, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш, амалдаги конунларга катъий риоя килиши ва жамият ривожи хамда барқарортигини таъминлашда масъуллиятни англаш. Шу маънода, демократия - юқсак маънавият, фуқароларнинг ички маданияти ва интеллектуал имконияти, фуқароларнинг барча учун бирдей зарур бўлган конунларга тўлиқ риоя этиши, инсон ҳак-хукук ва эркинликларини, умумхалк ва умум давлат манфаатларини химоя киладиган, барчани конунларга бўйсусишиб яшашга ундиҳидиган умуминсоний, хукукий ва маънавий кадрият хисобланади.

Демократияни маънавиятсиз ва маърифатсиз англаб бўлмайди. У инсон акл-заковати маҳсулли ва, айни пайтда, унинг эркин холда фаровон хаёт кечишининг зарурий шартидир. Демократияни хаётга жорий килишда мамлакат халқининг мыслий эхтиёжлари, турмуш тарзи, ахлоқий мезонлари ёътиборга олинини рофт мухим. Зоро, барча давлатлар ва халқлар учун демократиянинг бир хил колини бўлиши мумкин эмас.

Жамиятда демократик кадриятларнинг амал килиши маънавий-маърифий тараққиётининг кўрсаткчи хамdir. Уларнинг уйғунлиги жамиятнинг барқарор тараққий этишига хизмат килади. Тоталитар тузумдан эркин фуқаролик жамиятига ўтилаётган бир шароитда хар бир фуқаро демократиянинг моҳияти ва тамойилларини англаб етиши, эркин яшаш ва эркин фикрлаш кўнинмасини хосил килиши хамда маънавий-руҳий жихатдан демократик яшаш шартларига ўзини тайёрлаб бориши, фикрсизлик, карамлик, танбалик ва бокимандалик иллатидан

халос бўлиши зарур. Демократия аста-секин, босқичма-босқич шаклданиб, ривожланиб борадиган узлуксиз жараён бўлтани сабабли, у хар бир инсоннинг маънавий-маърифий салоҳияти муттаасил юксатиб боришини такозо этади.

Демократия экспорти:

1) жаҳондаги айрим курдатли давлатлар гурӯҳи томонидан суверен давлатларнинг ўз тараккиёт моделини ўзи танлаш хукукига, қолаверса, демократиянинг маъно-мазмуни, привард максадларига зид равишда унинг «хаммабоп услугуб»ни кўч ишлаташ йўли билан бошқа жамиятларга тикиштириш амалиётини англажади;

2) ёш мустақил давлатларда демократия танқистигини рӯяч килиб, бу мамлакатлардаги демократлашириш жараёнларини сунъий равишда жадаллаширишга уринаётган айрим кучлар ва сиёсий доираларнинг хатти-харакатларини ифода этивчи тушунча мөнхияти Ўргбошимиз томонидан куйидагича кўрсатиб берилган: «Маъндум бир мамлакатда, айтайлик, «демократия тақчиллиги» мавжуд, ушбу мамлакат халқига ана шу тақчилликдан халос бўлишга ёрдам бериш керак, деб хисобланади. Бунинг учун китта маблағлар акратишib, тегишли кучлар йўналтирилади. Ва бундан кўзланған максад тўнтариш уюштириш ва ана шундай «тақчиллико»ни вужудга келтирган раҳбариятни йўкотишдан иборат тушунча. Мана шундай холатларда «баҳмал ўзгариши»лар технологиялари ишга тушади: аввалги хокимият нисбатан тинч йўл унинг миллий манфаатлари ва хусусиятларини инобатга олмасдан туриб, экспорт килиниши мумкин бўлтган оддий бир товар эмас. Агар демократияга ҳам экспорт предмети сифатида ёндашилса, у бир тарафонинг бошқа тараф устидан устунликка эришиш постигасига айланади. Холбуки, хеч бир халқаро ташкилот ё хеч бир дашлатга ўзга мамлакатга жавоб берадиган кучлар эгаллаши кўзда тутилади». Аспида, демократия бошқа мамлакат худудига маколати берилган эмас. Демократияни зўрлик билан бошқа жойга экспорт килиш демократия тамойилларига хеч качон мос келмайди. Кейинги-йилларда яқинлагина мустакилликка эришган мамлакатларда демократлашириш жараёнларини жадаллашириш солаётганларнинг бундай зарурлиги хакида айюҳхоннос солаётганларнинг

интилишлари ортида қандай геоспейсий, стратегик ва иккисодай мақсад-муддаолар турған сир эмас. Айникса, буғунғи кунда үз максад-муддаолар түрли сиёсий күчлар үзининг миллий ва халқаро майдонда түрли сиёсий күчлар үзининг миллий ва стратегик режаларига әришиш учун «Эркинлик ва демократияни оға силжитиш» никоби остида амалга ошираётган, узокни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини үз вактида сизиш, англап катта аҳамият касб этади. Буғунғи кунда мустакил давлатлар суверенитетини писанд килмай, уларнинг ички ишларига аралашаётган «демократия революциялари» аспида дунёга ерести ва ерости хуқуронлик килишга, ўзга мамлакатлардаги тинч-осуда бойликларини эгаллаб олиш, муайян минтакалардаги тинч-осуда хаётни издан чиқариш, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манбаатларига хизмат киладиган күчларнинг келишига ёрдам берипта интилаётгани яққол намоён бўлади. Бир сўз билан айтганда, демократия экспорти янги кўринишдаги мустамлакачилик, гегемонизм ва буюқ давлатчилик шовинизмiga мустакидиган характеридир. Шу боис демократия экспортининг хизмат киладиган характеридир. Шу боис демократия экспортининг мънавиий асрани мамлакатимизни асрани, мъллий таъсиридан мамлакатимизни анъаналаримиз, демакки, мъллий кадриягатларимиз, давлатчилик ахдида таҳдидларга карши оғол тараққиётимизни издан чиқарувчи бундай таҳдидларга тўла риоя етиши; аник тартиб-интизомга ва хушёр бўлиш, уларга карши катъий ва изчил кураш олиб бориш буғунғи куннинг долгзарб вазифаларидандир.

Демократияни хаётга жорий килишда мамлакат халқининг мъллий эҳтиёжлари, турмуш тарзи ахлоқий мезонларидан келиб чиқкан ҳолда ёндашиш керак бўлади. Ана шу нуктаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳамма халқлар учун демократияни бирдай жорий килишининг бир хил колини бўлиши мумкин эмас, масалан, шаркона демократия хакида гап кетганда Президент Ислом Каримов: «Шаркда демократия жараёнларининг кадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан кочириб бўлмайди. Яъни Шаркда демократик жараёнлар узвий равишда аста-секин тараский топади. Бу соҳада инклибий ўзгаришлар ясанга уринишлар ўюят ноууш, хотто фожиали натижаларга олиб келади. Инклибони гарб олимлари ҳам ибтидоий ва ёввойи шакли» деб «ийтиомий тараққиётнинг дарражасида бўлмайди. Бу айтганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди»¹ дей

демократияни жорий этишининг тамойуллари борлигини кўрсатди. Ўзбекистон мустакилликка әришган дастлабки кунларда Туркия, Германия, Франция, Англия каби мамлакатлар бизга ўз тараққиёт дастурлари ва моделларини тавсия етдилар. Тўғри, бу мамлакатларда демократиянинг ибратти ва ўрганишга арзирни тақрибалари мавжуд. Бирор давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бу тақлифларга ўзининг анк муносабатини билдириб, бу масалага хар бир миллатнинг турмуш гарзи рухихтидан келиб ёндашиш зарурлитетини айтди.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўrona кўччириш асло самара бермайди. Бундай йўул чалқаш ва хагарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, гарб демократиясини тўғридан тўғри шарқ мамлакатларида жорий этиши мумкин эмас. Унга тақлид килиш кутилмаган фожиаларга олиб келиши мумкин.

Сода килиб айтганда, демократия - онгли фикрлар, ҳар кандай ехтирослардан холи, акл-идроқка таянганд муносабаг; демократия - юксак мънавиият ва ички мадданиятни ошкор этиш имконияти, демократияни англаш шахснинг барча учун бирдай зарур бўлган конунларга тўла риоя етиши; аник тартиб-интизомга таяниб, яшаш, салоҳияти, демократия-инсон ҳак-хукуқларининг конуний химоя килиниши.

Аксинча бўлган жамиятда бошбошдоқлик, парокандалик авж олади ва оқибатга бундай жамият ҳалокатга учрайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз мамлакатимизнинг сиёсий ва давлат курилиши соҳасидаги хусусиятларини кўрсатиб берар экан, «сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жамиятда демократия, фикр ва виждан эркинлиги тамойиллари гуманизм гоялари ва умуминсоний қадриятларни карор топтириш»ни мухим низифа сифатига белтиглаб берди.

Мустакиллик туфайли эркинлик, демократия нималигини ва үзлигимизни кашф етдик. Том маънавий камолотга йетмагунча, то ҳатти-ҳарқатларимиз, муносабатларимиз аклу-идрок ва умуний манфаат доираси билан чегаралнмагунча демократиянинг мизмуми ҳам, кўдами ҳам куттанимиз дарражасида бўлмайди. Бу

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иҷтимоий ва иккисодай истикборининг асосий тамойуллари. Т.: Ўзбекистон, 1995. 10-11-бетлар

² Каримов И. А. Миллий иштирокот мифлураси ҳалқ эттигоди ва бугун кенжалака ишлогичиц Т.:

бевоснита фукаролар онги, дунёкарашини тубдан ўзгартирниш, якин ўтмисдан колган локайтик ва бокимандапик кайфиятларини йўқотиш, шу асосда давлатимиз, ватанимиз истикболи учун куйиниш түйгуларини кучайтириш каби мураккаб ва узок муддатли жараён билан боғтик Ана шундан келиб чиқиб, Президент Ислом Каримов: «.. демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди. Демократияга тинимсиз аклий ва жисмоний мелҳнат килиб, тер тўкиб, хаётнинг аччик-чучгини обдан тортиб, кейин айтиш мумкинки, хатто фожиали тажрибаларни хам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардана бардош беригина эришиш мумкин»¹, деган эди.

Шундай килиб, миллий ўзитикинги англаш, хукукий саводхонлик, конуидарга итоаткорлик, давлат тизимига хурмат, демократик кадриятларга содиқлик бир томондан жамият мърифий тараққиёт йўлидан боришини тъминлайдиган омил бўлса, искинчи томондан шахс мъниавий комиллигини кўрсатувчи асосий мезон хисобланади.

Жамиятда комиллик мезонига жавоб берадиган кишилар аксарият кўпчиликни ташкил кылсантина, мъниавий баркамоллик ва иктисолий юксаклишка эришиш мумкин бўлади.

**Комил нарса ортиқачаликни хам,
камчилликни хам қабул этимайди.**

Абу Райҳон Беруний

14-мазлур. Шахс мъниавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари

14.1. Ислом Каримов шахс мъниавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари тўғрисида илгари сурған гоялар

Жасорат - инсоннинг юксак камолотга эришганини кўрсатувчи мъниавий-ахлоқий ходиса, инсоннинг жамият ва унинг аъзолари манфаатларини химоя килиш, муайян вазифани адо этишда фидойилти, бутун куч ва имкониятларини тўла сафарбар этишини англатадиган мъниавият категорияси.

Президент Ислом Каримовнинг «Юксак мъниавият енгилмас куч» асаридаги жасоратнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари далил ва мисоллар асосида очиб берилган. Асарда тъкидланганидек, «Менинг назаримда, авваламбор Яратганимизнинг ўзи хар бир мавжудотга жасорат кўрсатиш имконини беради ва онг-тафаккур соҳиби бўлган инсонлар бундан ибрат олиб яшайди. «...хәётнинг мъноси тинимсиз кураш, кийинчилкларни ентиб ўтиш, доимий жасорат, азму шикоат билан яшашдан иборат экани аён бўлади. Табиат ва тарих конунларини, унинг тараққиёт жараёнларини чуқур тушунадиган одамгина ўз хәётини мъниавий жасорат асосига куришга кодир бўлади. Хар куни, хар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк максадлар сари чарчамай, толикмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш - хакиқий каҳрамонлик аслида мана шу»¹.

Асардан олинган бу илҳомбахш фикр жасорат тушунчасининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусиятларини таҳтил килиш учун асос бўлади. Кундалик турмушда турти хавфли вазиятлар ва тоҳидларда эл-юрт манбаатлари учун ихтийрий равишда ўз

¹ Каримов И.А. Узбекистоннинг сенайд-иҳтисосий ва иктисолий истиқబолининг асосий тамоҳиилари. Т. ө. Ҳубебалотон, 1995. 10-11-бетлар.

хаётини хавф остига күйінгі бұлсада халокаттннг олдини олиш хам жасорат. Жасорат нафакат уруш ва фавқулодда холаттарда, күтітмеган ходиса туфайли ижтимоий хаёт ёки инсон хаётига бўлган таҳдидни бартараф этишда, балки кундалик турмушда хам намоён булади. У моддий ёки мальнивий манфаатдорлик эвазига амалта оширилмайди. Жасорат хаётини, максад ва орзу-умидларини халк ва жамият учун бағиштаб, амалга оширган хокисор инсон фаолиятининг натижаси хамдир. Шунинг учун жасорат факат айрим шахслар ва алохода кишиларннг салоҳияти эмас, балки хар бир инсон учун хам имкони бўлган мальнивий фазилатдир.

«Юксак мальнивият - енгилмас күч» асарида жасораттннг ушбу жиҳати Юргбошимиз томонидан күйидагича асослаб берилган: «Шу мальниода, шахсан мен заҳматкаш ва бунёдкор хаётини, айникса, киш қаҳратони ва ёз жазира масида хам, баҳор ва кузнинг ёғин-сочини кунларнда хам ердан ризқ үндириси максадила куннин кунга, туннин тунга улаб, меҳнат киладиган дехқонларимиз хаётини том мальнида жасорат намунаси, деб биламан!»¹.

Жасораттннг мазмуни кўп холаттарда оммавий харакаттарннг бошланшишида, умуммиллий манбаатларни химоя килишида биринчи кадам, биринчи карорларда ва уларни амалта оширишида хам ўз ифодасини топиши мумкин. Шу мальниода, 1991 йил 31 август санаасида мильдий истиклолннг эълон килинши ва мамлакатимиз мустақиллитетин мустахкамлаш юлида амалта оширилаётган бунёдкорлик ишлари ана шундай жасорат намунасиadir. Ватан ва миллат манбаатларини рӯёбга чиқаришда улкан воеқа бўлган бу азму-карор юқсанжасорат намунаси айланганни бежиз эмас.

Фоя ва онт муносабати хакида гап кетар экан, куйидаги холаттарга эътибор бериш зарур. Биринчидан, муайян гоя инсон томонидан кабул килинмаслиги мумкин. Иккинчидан, муайян гоя шахс онгида факат ахборот сифатида сакланиб колиши, яъни кераксиз буюм каби инсон онгининг бир четида «санг босиб» ётавериши мумкин. Биринчи холатдағы инсон онтида хеч кандай из колдирмайди. Иккинчи холагда эса у шахс учун хеч кандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлмайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, гоя факат инсон калбини эгаллайди, унинг мальнивий-рухий

холатининг узвий қисмига айланган тақдирдатина амалдаги күчга айланади.

Шунинг учун хам бугунги кунда мафкуравий курашнинг бош максади инсон калбини забт этиш орқали унинг онтини эгаллаш бўлиб қолмоқда. Юргбошимиз таъкидлагани каби бугунги кунда инсоннинг кўлида мавжуд бўлган куррасини бир неча бор яхсон килишига етади. Буни хаммамиз яхши англаймиз. Лекин, ҳозирги замондаги энг катта хавф - инсонларннг калби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиикда, ядро майдонларидан эмас, мафкура майдонларидан бўлаётган курашлар кўп нарсанни хал килади. Шу майдонларидан оламида мальнивий оламида маънавий оламида маънода ахоли, айникса, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлик вужудга келмаслиги учун уларннг калби ва онтида соғлом хаёт тарзи, миллтий ва умуммиллий кадриятларга хурмат-эхтиром туйгусини болалик пайтидан бошлиб шакллантиришимиз зарур. Шунни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон мальнивиятiga карши йўналтирилыган, бир курашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар хам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин заарини хеч нарса билан коплаб бўлтмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

Хаммамиз яхши биламизки, ҳар кайси давлаттннг чегараларини даҳлсиз саклашда ҳарбий күч-кудраг, куролли күчлар сув билан хаводек зарур. Аммо ҳалқимиз, авваламбор, ёш давлодимиз мальнивий оламининг даҳлсизлитетини асрараш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришишимиз керак, деган савол буғун барчамизни ўйлантариши табиий.

... ҳаётда кўп бора ўз тасдиғини топган ҳакиқатдан келиб чиқсан холда, бу масалада шундай деган булардим: тобора кучайб бораётган бундай хатарларга карши доимо сергак, огоҳ ва ушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур уйланган шуҳта, илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган мальнивий тарбия билан жавоб берин мумкин.

Барчамизга аён бўлиши керакки, кайердаки бепарволик ва локайдик хукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб кўйилса, ўша ерда мальнивият энг ожиз ва заиф нутгата айланади. Ва акслича - қаерда хушўрлик ва жонкуярлик, юқсаншо-ицлорк ва тафаскур хўмрон бўлса, ўша ерда мальнивият

¹ Каримов И.А. «ЮССАК МАЛЬНИВИТ - ЕНГИЛМАЗ КУЧ». Т. «Миллатнинг», 2008 164-165 бетлар

кудрагли күчга айланади¹. Президенттимизнинг бу фикрлари инсон калби ва онги учун кураш кучайиб бораётган хозирги даврда барчамиз учун дастурламал бўлмоғи лозим.

14.2. Шахс мъянавиятини шакллантиришда ота-она ва оила масъулияти

Шахс мъянавиятини ривожлантиришнинг омиллари ва воситалари кўп. Шулардан бирни фарзанднинг ота-онани фарзандга бўлган муносабати масаласидир. Ўзбек халқининг ёнгалимий даврлардан бошлаб хозирга кадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини хеч качон йўқотмайдиган ажойиб кадриятларидан бирни - ота-онани фарзандлар томонидан юксак дараражада эъзозлаш, иззат-икромини, онадан кўра меҳрибон, азиз ва мўтабар зот йўқ. Ота-она фарзандларнинг суннчиғи, битмас-туғанмас бойлигидир.

Ота-она ўз фарзандидан хеч нарсани яймайди. Уларнинг табиат ато этган буюкликлари хам ана шунда ўзбек халқи одоб-ахлоқига биноан кексалар ва ота-онани олдидан салом бермасдан ўтиш айб хисобланади. Ота-онани қадрлаш, уларнинг беўлчов, беминнат хизматига бир умр содик бўлиш, дуоларини олиш - фарзандник бурчидир. Бу миллӣ кадриятларимизнинг энт мухим талабларидан бири.

Кагталарга иззат-икром, кичикларга меҳр-шафқат, ота-оналарга эъзоз, фарзандларга меҳр-садоқат каби инсонни улуғлайдиган, ахлоқий, мъянавий жихатдан гўзал ва баркамол киладиган кадриятларимиз одамлар, айнинса, ёшлиар калбидан ўрин олгани кувончли бир хол.

Асосий конунимиз - Конституциямиз фарзандларнинг жамият, оила, ота-оналари олдиаги инсоний бурчлари ва мажбуриятлари миллӣ кадриятларимиздаги асосий фоя ва коидаларга асосланниб, белгилаб кўйилганд. Унинг 66-моддасида таъкидлашича, вояга етган, меҳнатта лаёкагли фарзандлар ўз ота-оналари хакида замхурлик килишга мажбурдирлар.

Хар бир фарзанднинг ўз ота-онасини эъзозланиши фарзандлик олдида гуноҳ иш килиш билан баробардир» ва бошқалар.

буричи ва жамият олдидағи масъулияти саналади. Ота-онани эъзозлашининг кўйидаги шарқона талабларига ҳаммамиз амал килишимиз хам фарз, хам карз, фарзандлик бурчмиздир: ота-онага хушмуомала бўлиш озода кийинтириш, касал бўлганда шифокорга кўрсатиш, керакли дори-дармонни сўраб туриш, моддий ва доимо хол-ахвол, сиҳат-саломатлисларини сўраб туриш, муддий ва маънавий ёрдам бериш кексайгандага бокиши, ота-она олдида «уҳ» тортмаслик, гердаймаслик. Ота-она норизо бўлган ишни тортмаслик, кўчада юрганда отдан олдин юрмаслик, отдан аввал кильмаслик, овқатга, дастурхонга кўл узатмаслик, отдан аввал ўтирмаслик, отдан пастроқда ўтириш, отанинг олдида оёқни узатиб ёнбошлаб олиш бизнинг ахлоқ-одоб коидаларимизга энд. «Отант ўтирган уйнинг томига чикма» деган гап хам айнан ота-онанинг удуғидандир. Ота-она чакирганда лаббай деб жавоб кайтариш, хар кандай ишни ташлаш, уларнинг хизматига шай туриш фарзанднинг бурчидир.

Ота-онанинг розилигини олган фарзанд барака топади, иши ўнгидан келади, олдиға кўйиган максадига эришади. Ота рози - худо рози, деган хикматда гап кўп. Ота-онаси норизо бўлган фарзанднинг бирни иккига айланмайди. Турмушга чикиш, ўйланнишда ота-онанинг розилигини, ок фотихасини олишда хикмат кўп. Сиз ота-онанингизга нима килган бўлсангиз, у сизга фарзандлариниздан қайтади. Бу-табиат конуни.

Хадиси шарифларда ёзилишича: «Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қиласа, Аллоҳ таоло унга жаннатдан искитга эшик очади. Агар, улардан биттасини зиёрат қиласа, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини хафа қиласа, уни рози килмагуна. Аллоҳ таоло ундан рози бўлмайди»; «Ким ота-онасини рози қиласа, унга тубо (жаннатдаги даррахт) насиб бўлиб, Аллоҳ таоло унинг умрини хам зиёда қиласа»; «Уч тоифа кишиларнинг дуоси, хеч шубҳасиз, Аллоҳ таоло кошида макбулдир: мазлум кишининг дуоси, мусофирининг дуоси ва ота-онанинг ёки бирни бўлмагандан оналарнинг кексайгандаги вактда хар иккисини ўтиб олмагандар иккичинин рози килиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин»; «Ота-онага итоат килиш - тантрига итоат килишадир. Унинг олдида гуноҳ килиш танри олдида гуноҳ иш килиш билан баробардир» ва бошқалар.

¹ Каримов И. А. «ЎСКАК МОЛНЯНИТ - сенгимас куну». Т. «Матнаннот», 2008. 115-116 берлар

Фарзанднинг ота-она олдида бурчли бўлганидек, ота-онанинг хам фарзанд олдиаги бурчи никоятда кагта ва масъулитлайдир.

Фарзандларнинг келажакда қандай инсон бўлиб етишини асосан ота-она, улар берган тарбияга боғлиқ. Хар бир ота-она фарзанди олдида ўз оталик, онаплик бурчни тўлик хис этиши, жавобгарлигини маънан англаб етиши керак.

Бола, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида ота-она берадиган тарбия жуда муҳим ахамиятга эга. Фарзанд тарбияси куидаги босқичларда амалга оширилишини ҳар бир ота-она яхши билishi фойдадан холи бўлмайди. Биринчиси - насл тарбияси, яъни бола тарбияси - бола тугимасдан уч-тўрт йил олдин бошланishi керак.

Яъни бўлгуси она ва отанинг соғлиги, фарзанд тарбиялашга масъуллигини хисобга олиш лозим бўлади. Бу - бола, фарзанд кўришини истаган ота-онанинг бўлаккақ фарзандлари тақдирига масъулият билан караб, ўзларининг саломатлистиарини яхшилашларини назарда тутади. Иккичи босқич - хомиладорлик давридаги парвариши. Бу масала ўта муҳим, ўта аҳамиятли бўлиб, ривожланган мамлакатларда хомиладорлик даври туғиллазак инсон тақдирининг 60 фойзиини белгилashi кўзда тутилади. Бу давргаги чора-тадбирлар аксарият ота-оналар томонидан амалга оширилади. Учинчи давр - бола туғилгандан то 6-7 ёшгача бўлган давр. Шу даврга келиб, бола маънавиятининг асосий куртаклари шаклланаб бўлади. Сўнг ана шу маънавиятни куртаклари парваришлаш ва янада ривожлантириш даври бошланади.

Маънавий баркамоллик, балки, она алласининг мазмунидан, болани кийинтиришу уни ҳалол луқма билан бокишидан бошланниши муумкин. Ҳазрати Баҳоудин Накшбанд айтганларидек, инсондаги яхши феъллар, аъмоллар ҳалол луқмадандир. Демак, ота-она фарзандини ҳалол луқма билан бокса, у фарзанд маънан пок ва ҳалол бўлиб вояга етади.

Оламда жуфт бўлиб яшаш табиат конуни, такозоси. Лекин оила бўлиб яшаш барча мавжуддлар орасида факат одамтагина хосdir.

Оила жамиятнинг биринчи ва бирдамчи бўғини, заррачаси. Жамият ана шу кичик зарралардан ташкил топади. Ер ва хотин - иккичи тирик вужуднинг, иккичи оламнинг ўзаро итифоқидан пайдо бўлган учинчи бир олам - бу оиласидир. Агар оила тинч-тотув, ахил бўлса, олам тинч ва обод. Акс холда, турмуш дўзакга айланади,

оила зиндоннинг ўзи бўлади, бунинг жабрини эса эр ва хотиннинг ўзигина эмас, балки фарзандлари, яқинлари хам тортади.

Оила покликса ва соғлика, иккичи томонлами мухаббатга, садоқат ва вафодорликка асосланниши керак. Бу фарзандлар тарбияси учун муҳим омил хисобланади.

Шахс маънавияти, унинг дунёкараши, эътиқодига кўнималар мажмуми асосан оилада шаклланади. Шу маънода оила - ҳакқий маънавият ўчғи, мағфуравий тарбия омили ва муҳитидир. Бинобарин, миллӣ гоҳимиз, мағкурамизга хос илк фазилатлар оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқати амалга оширилади.

Оила, унинг асрлар мобайнида шаклланаб келаётган муқаддас анъаналари орқали ўшларда Ватангга мухаббат, иймон-эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, иянсонпарварлик, илмга иштиёқ, меҳнатсеварлик кўнималари шаклланади.

Ота-оналар болаларда ёшлиқдан ҳалқ, юрг тақдирни учун фидойилик туйусини шакллантириш, уларни эзгулик, инсонпарварлик, раҳм-шафқатлилик руҳида тарбиялашга масъулларлар. Бунинг учун ўз фарзандларини ёшлигидан бошлабоқ олам ва одам дунёси билан таниширишининг миллий анъаналаримизга хос шакларини кўллашлари лозим. Бу жараёнда миллӣ турмуш тарзимизга ёт бўлган «жангар» ўйинчоқлар, мултфильмлар, кинофильмлардан имкон қадар фойдаланмаслик максадда мувоғинидир.

Шаркона одоб ва башариятнинг этгу интилишларини акс эттирувчи ўйинчоқлар, расмли китоблар, миллий эртаклар асосида яратилган мултфильмларни кўришга қизиқтириш боланинг маънавий-мағфуравий тарбиясида муҳим рол ўйнайди. Ўзбек оиласининг ўзига хос ички конун-коилалари, аҳлоқий, маънавий мезонлари бор. Куйида биз шулардан бальзилари, ҳакида тўхтаб ўтишини лозим топдик, зоро, бу сиз каби оила куриш олдида турган ёшлар учун фойдадан холи бўлмас.

● Ризқ-рўз тонгда ҳар бир одамга, оиласага улашилади.

Кимки ғафлат босиб, ўрнида ётаверса, ризқидан курук колади, дейилади. Барвакт турисла, иш унумли, ўша кун хайрли бўлади.

● Юз-кўлни ювмасдан хол-ахвол сўрталмайди, юз-кўлни ювгандан сўнг, кичиклар каттадарга салом берадилар, кизлар келинлар нонушта тайёрлайдилар. Ҳовли, эшик олдини супуриб,

СУВ СЕНИБ КҮДИЛЛАР.

• Иш ёки ўқишига оиласыннинг табаррук ёшлиларидан фотиха олиб кетилини ахлоқ-одоб доирасига киради, жайтганда, аввал уларга учрашиб, салом берилди, хол-ахвол суралади.

Оила одобига кўра катта ёшлилар болаларга, балогатга етган фарзандлар, келинлар катта ёшлиларга очик-сочик холда кўринмайдилар, бачканы килик килмайдилар, пардасиз сўзларни айтмайдилар. Кўнага ўй кийимида чинчимайди ва бошкалар. Айтаверсак, ўзбек оиласининг фазилатлари кўп, конунларда белгиламмаган, аммо миллатимизнинг кадрияларига айланган тартиб ва талаблари мавжуд. Уларни фарзандларимиз ўзлаштириши хам фарз ва хам карзидир. Чунончи, онлана ота-она, кайнона-келин, кариндош-уруғлар ўргасидаги муносабатларнинг меъери, уларнинг максадга мувофиқлиги, муносабатларнинг самимият дарражаси хам ёшлиарда соғлом фикрнинг, шарм-ҳаё, меҳр-оқибат, иффат, ибо, назокат, лафз, мастьулит каби ижобий маънавий фазилатлар шаклланишига замин хозирлайди.

Халқимизга хос устувор фазилатлар асосан оиласи мухитда, якин кариндош-уруғларнинг бевосита аралашуvida юз беради. Бу хол меҳнатга тўгри муносабат, ҳалолтик, катталарни хурмат килиш, кичикларни эъзозлаш, аниш, урф-одатларни мұқаддас билиш жараённида амалга ошиди. Бундай сифатларни ўзлаштири олган хар бир ўйл-қизда онлапарварлик, юргапарварлик фазилатлари ривожланishi мұкаррар. Аммо оиласи низо ва ажralишларнинг сабаблари таҳлил килингандан, шу нарса аэн бўлмокдаки, оила мұхитининг носогломлиги, оила аъзолари ургасидаги нафакат келишмовчиллар. Ўзаро тил топа олмаслик холатлари нафакат ўша оила, балки кариндош-уруғлар ўргасидаги хотиржамлика хам раҳна солади. Энг ачинарлиси - бунинг оқибатига эътиқодисиз, диённатсиз, максадсиз болалар, хаётда ўз ўрнини топа олмаган инсонларнинг пайдо булишидир.

Шундай килиб, оила - жамиятнинг асосий бўгини. Оиласи сингидирган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустакиллик, озодлик хакида берилган тушунча, тасаввур боланинг мурғак калбида бир умр мурхланиб колади. Оила мустахкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда баркарорлик вуҷудга келади. Президентимиз тарькилаганидек, «Оиласининг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етмасдан, оилага мидлат

манфаати нуткай назаридан ёндашмасдан туриб, халқтили мафкура ярага олмаймиз»¹, яни маънавий соҳадаги вазифаларимизни муваффакиятли амалга ошира олмаймиз.

Президентимиз И. Каримов ўзининг «Тарихий хотира ва ион омили – буюк келажатимизнинг гаровидир» рисоласида тарькилаганидек «Барчамизга аён – жамиятда мальнавиятнинг ўрни бекиёсdir. Чунки инсон хаётta, ён-атрофида рўй берадиган воқеаларга бефарқ бўла олмайди. У факат пул ёки бойлик учун яшамайди, одамларнинг ташвиши, дардига шерик бўлади, улар учун куюнади. Биз ёшларимизни айнан мана шундай руҳда тарбиялашшимиз даркор. Нега деганда, мальнавият, одоб-ахлок, ибратли қадрияллар, олижаноб фазилатлар, биринчи навбатда, оилада, жамиятда шаклланади. Онанинг калб туйгулари, мальнавияти фарзандига, аввалио унинг оқ сути орқали ўгади. Буларнинг барчаси мұқаддас китобларда баён этилган. Шу бोис биз «Мустахкам онла йили» муносабати билан кабул килинган Давлат дастурини амалга ошириш учун катта куч ва имкониятларни сафарбар этмоқдамиз. Максад – оиласар мустахкам бўлсин, ёшлар катта авлод бошлаган ишларни муносиб давом эттирисин. Токи хаётда ўз ўйуни излаётган фарзандларимиз ўз онги, ўз ақли билан мана шу фоялтарнинг тарафдорига, энг асосийси, уларнинг химоячисига айлансин».²

14.3. Адабиёт, санъат ва бошқа омиллар шахс маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг мухим воситаси

Адабиёт ва санъат асарлари фуқароларимизнинг мальнавий дунёсини бойитиш, уларни гўзал нарсаларнинг ҳаммасидан баҳраманд килиш каби ажойиб хусусиятларга эга. Мальнавий гоясиң юқсан, бадий жозибали адабиёт ва санъат асарлари кишилар калбига тезорқ ўйл топиш, эстетик хиссиятiga кучли тасъир килиш, хаётий воеқа – ходисаларни чукур мушоҳада -этишга давват қилиди. Шунинг утун адабиёт ва санъат асарларининг кишиларни юқсан мальнавий-ахлоқий руҳда тарбиялашдаги бадий

¹ Каримов И.А. Осол ва обод ватан, зерин ва фарзон ҳаёт-шароғор Мажаријати. Асарлар ўзимлами 8-зиндиган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустакиллик, озодлик хакида берилган тушунча, тасаввур боланинг мурғак калбида бир умр мурхланиб колади. Оила мустахкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда баркарорлик вуҷудга келади. Т. Узбекистон 2000. 502-503-бетлар

² И.А. Каримов «Тарихий хотира ва ион омили – буюк келажатимизнинг гаровидир». Т. Узбекистон, 2012 29-30-бетлар

тасир этишдек воспитачилик хусусиятларидан имкони борича көнтрок фойдаланиш мухим ахамиятта эта.

Адабиёт ва санъат асарларининг кучи унинг халқчиллиги кишилар ички-рухий дунёсига эмоционал тасир кўрсата олишадир. Майнавий баркамол авлодни тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ана шу хусусиятини хисобга олиш мухим хисобланади.

Майнавий тарбияда ўзбек халқининг бой майнавий меросидан кент фойдаланиш унинг тасирчанлиги, самарадорлигини оширишда мухим омил бўла олади. Ёшларимиз тарбиясида Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Ютнакий, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Машраб, Мукимий, Фуркат, Абдула Кодрий, Чўлпон, Усмон Носир каби классик шоир ва ёзувчиларимиз асарларидан фойдаланишимиз улар калбини, руҳий дунёсими майнавий бойитишда кагта ахамиятга эгадир. Уларнинг бизга колдирган бой бадий-майнавий мероси ўзиниг чукур фалсафий мазмуни, ахлоқий йўналиши билан ажralиб туради.

Мумтоз санъаткорларимиз асарларида халоллик ва поктик, тўғрилик, бирорвонинг жакига кўз олайтираслик, хиёнат килемаслик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, днёнатлилик, иймонлилик, халол лукма билан кун кўриш, ота-онани хурмат килиш каби инсон учун зарур майнавий хисоблагар юкори бадий савида баён этилган. Хусусан, майнавий тарбияда Пиримкул Кодиров, Одил Ёқубов, Сайд Аҳмад, Ўткир Хошимов, Тоҳир Малик каби ёзувчиларимиз, Абдула Орипов, Эркин Воҳидов, Ойдин Ҳожиева, Омон Матжон, Рауф Парфи каби шоирларимизнинг асар ва шеърларидан хам кенг фойдаланиш, бадий асарлардаги қаҳрамонларнинг феъл-атвори, ахлоқи, майнавий дунёси тўғрисида сухбат, мунозара ўтказиш катта самара беради.

